

ISSN 2181-9521

№ 6-son, 2019



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИДА БМТ ТАРА ТАРАҚҚИЁТ АГЕНТЛИГИ (USAID)-ҲАМКО ВА СУД АППАРАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ” МАВЗУСИДА Ў



ҚҚИЁТ ДАСТУРИ (UNDP) ВА АҚШ ХАЛҚАРО РЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН “СУДЬЯЛАР ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТГАН СЕМИНАРДАН ФОТОЛАВҲАЛАР

2019 йил 26-28 июнь



«ODILLIK MEZONI»
илмий-амалий,
хуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши хузуридаги
Судьялар олий мактаби

Хамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Кенгаш раиси
Убайдулла МИНГБОЕВ

Кенгаш аъзолари

Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДОРОВ
Акмал МУРОДОВ
Икром МУСЛИМОВ
Илҳом НАСРИЕВ

Бош мухаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи мухаррир

Сирожиддин ИБРОХИМОВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори
билин юридик фанлар бўйича диссертациялар
асосий илмий натижаларини чоп
этиш тавсия этилган илмий нашрлар
рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-йй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@mail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил
1 февралда 0972-ракам билан
қайта рўйхатдан ўтган.
Обуна индекси: 1317

Хар ойда бир марта чоп этилади.
Журналда эълон қилинган материал-
лардан фойдаланилганда, манба кайд
этилиши керак.

Босишига 12.07.2019 да рухсат берилди.
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ
Буюртма № 26
Адади 2000

«Aldin-group» МЧЖ босмахонасида
чоп этилди.
Босмахона манзили: 100027, Тошкент
шаҳри, Шайхонтохур тумани,
Олмазор кўчаси, 1-йй

МУНДАРИЖА

Масъулият мезонлари

6-бет



**Суд тизимини
такомиллаштириш:
таклиф, мулоҳаза,
муҳокама**

Талқин

10-бет

**Суд назорати институти
такомиллашув босқичида**



Халқаро тажриба

16-бет



**Юридик шахсларнинг
коррупцион жавобгарлиги:
суд қарорини эълон қилиш**

Халқаро ҳамкорлик

22-бет

**Канада миллий суд
тизими судьялар
тайёрлаш тажрибаси:
тарих, тараққиёт ва
келажак**



Мутахассис мулоҳазаси

26-бет



**Фарзанд
таъминотидан
соқит бўлолмайди**

Янги меъёрлар

28-бет



Маъмурий ишлар
бўйича суд
қарорларини қайта
кўриш тартиби

Қонун ва амалиёт

34-бет

Банкротлик
ишларини
судда кўриш

Ибрат

39-бет



Мазлумнинг ҳаққи


Ёш судья билан сұхбат

40-бет

Мантиқлар,
далиллар,
муроҳазалар
негизида қурилган
муҳораба

Ўзаро муроқот

43-бет



Энди улар
били муроса
қилмаймиз

Эксперт фикри

46-бет



Мозийдан садо

52-бет

Бугунги кун судья
ёрдамчилари
кандай бўлиши керак?



54-бет

Ория масаласининг
хукуқий асослари

Судья минбари

56-бет

Ҳоким қарори
бекор қилинди



Муроҳаза

58-бет

Судда конституция
моддаларини
қўлламаймизми?



Новые нормы

58-бет

Изменения и дополнения
в законодательстве,
связанное с наркотическими
средствами и
психотропными веществами

Жараён

62-бет

Синовлар
муносибларни
сарабайди





СУД ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА

Жамиятни давлат ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларисиз тасаввур қилиш қийин. Қонунлар ўзаро манфаатларнинг мутаносиблигини таъминлаш ва ана шу муносабатларни тартибга солиш учун яратилган.

Давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонун устуворлигини таъминлашда мустақил суд ҳокимияти муҳим аҳамият касб этади. Демак, соддороқ ифодалайдиган бўлсақ, суд ҳолатни ўрганиш асносида мавжуд қонунларга таяниб ҳуқуқи бузилгандарнинг ҳуқуқларини тиклаш ва ҳуқуқбузарларни жазолаш учун ҳукм чиқаради. Шундан ҳам маълумки, жамият барқарорлиги энг аввало мустақил ва мукаммал суд тизимиға боғлиқ. Мамлакатимиз суд тизимини айни шу талабларга тўла жавоб бера оладиган даражада ислоҳ қилиш учун Давлатимиз раҳбарининг бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди ва бу борадаги жиддий ислоҳотлар давом этмоқда.

2019 йил 10 июнь куни Судьялар олий кенгashi ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходимлари, Президент қабулхонаси мутасаддилари, Судьялар олий кенгashi аъзолари, Кенгаш хузуридаги Судьялар олий мактаби профессор-ўқитувчилари, Олий суд судьялари ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари иштирокида соҳада мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун ишлаб чиқилган таклифлар муҳокама қилинди.

Тадбирда эътироф этилганидек, ўрганишлар вилоятлар ва туманларда алоҳида судларнинг фаолият юритиши фуқароларнинг судларга мурожаат қилишида, хусусан суд ишларининг тааллуқлилиги масаласида кўплаб муаммоларни келтириб чиқараётганигини кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, одил судлов самарадорлигига

салбий таъсир этиб, ҳуқуқни қўллашда вертикал бошқарувнинг сустлашишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, барча туманларда ҳам фуқаролик ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судларнинг мавжуд эмаслиги фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг бошқа худуддаги судларга қатнаб овора бўлишига ва суд фаолиятидан норозилик шикоятлари кўпайишига олиб келмоқда. Туман судлари судьяларининг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда битта судга бирлашиши ҳар бир туманда одил судловнинг тўртта йўналиши бўйича битта суд мавжуд бўлишини ва фуқароларнинг муаммолари ўзи яшайдиган жойда ҳал қилинишини таъминлайди. Вилоят судларининг судьялар ихтисослашуви ҳисобга олинган ҳолда битта вилоят судига бирлаштирилиши одил судловнинг сифатини ошириш баробарида фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини

ишенчли ҳимоя қилиш кафолатини кучайтиради.

Муаммони ҳал этиш учун туман (шаҳар) ва вилоят даражасида фуқаролик, жиноят, маъмурий ва иқтисодий судларни ягона суд сифатида бирлаштириш таклиф этилди. Бунда туман (шаҳар) судларида ҳар бир йўналиш бўйича ихтисослашган судъяларнинг фаолият кўрсатиши, вилоят ва унга тенглаштирилган судларда эса судлов ҳайъатларининг ташкил этилиши лозим бўлади. Шу муносабат билан вазият туманлараро фуқаролик ва иқтисодий судларни тугатишни тақозо этади.

Соҳадаги баҳсли масалалардан яна бири – вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан биринчи босқичда кўрилган ишларни яна ўша суднинг ўзида апелляция ёки кассация тартибида кўрилишидир. Бу кўп ҳолларда фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқармоқда. Мутахассислар вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун вилоят ва унга тенглаштирилган судларда ишларнинг кассация тартибида кўрилиши институтини тугатишни таклиф қилишиди. Бунинг ўрнига судларнинг бирлаштирилиши ва вилоят ҳамда унга тенглаштирилган судларда кассация инстанциясининг тугатилиши эвазига Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятларда назорат инстанцияси судларини ташкил этиш мумкинлиги айтилди. Мазкур судлар куйи судларнинг қонуний кучга кирган қарорларини назорат тартибида кўриш билан бирга, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томо-

нидан биринчи босқичда кўрилган ишларни апелляция тартибида ҳам кўради.

Суд қарорларини назорат тартибида кўриш ваколатининг фақат Олий судга берилиши фуқароларнинг узоқ ва чекка худудлардан Тошкент шаҳрига қатнаб овора бўлишига, Олий судда иш ҳажмининг ҳаддан зиёд кўпайишига, суд хатоларининг узоқ муддат бартараф этилмаслигига олиб келмоқда ва бунинг оқибатида судда кўриладиган ишлар сифатига салбий таъсир этмоқда.

Апелляция ва кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича назорат тартибида протест келтириш фақат Олий суд ва Бош прокуратурада мавжудлиги оқибатида аризаларни кўриб чиқиш натижадорлиги пайдаган. Худудларда назорат инстанцияси судларини ташкил этиш орқали ушбу масалаларга ҳам ижобий ечим топилади.

Туман (шаҳар) маъмурий судлари томонидан туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берилган шикоятларни кўришда судъяларга нисбатан босим ўтказилиши ва бунинг оқибатида айрим судъялар томонидан бу тоифа ишларни кўришга холисона ёндашмаслик ҳолатларини бартараф этиш учун ушбу мазмундаги шикоятларни биринчи инстанция сифатида вилоят маъмурий судлари томонидан, вилоят ҳокимларига нисбатан ишларни биринчи инстанция сифатида Олий суд томонидан кўрилишини жорий қилиш масаласи ҳам ўртага ташланди. Бу айрим раҳбарларнинг ўз ваколатидан





фойдаланиб, суд мустақиллигига таъсир ўтказишнинг олдини олади.

Давра сұхбатида кейинги йилларда суд амалиётида самарали йўлга қўйилган сайёр суд мажлисларида хавфсизликни таъминлаш, шунингдек суд муҳокамаси жараённида суд мажлиси залида ҳозир бўлган ҳолда у ердаги тартибни сақлаш каби масалалар ечимини топмаганлиги айтилди. Ечим сифатида эса судларда судьялар ва суд процессининг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш, суд мажлисида белгиланган тартибни сақлаш вазифалари юклатилган маҳсус қўриқлаш хизматини ташкил этиш муҳокама қилинди.

Дарҳақиқат, одоб-ахлоқи ёки ҳуқуқий маданияти етарли бўлмаган айrim кишиларнинг суд мажлисида тартибни сақла- маслиги, жараёнга халал бериши ҳолатлари ҳам кузатилади. Маҳсус қўриқлаш хизматининг ташкил этилиши судлар фаолиятининг хавфсизлигини таъминлайди.

Судьялар корпусида вакант жойларнинг мавжудлиги ишларнинг бир суддан иккинчисига ўтказилишига олиб келмоқда. Бу эса фуқароларга нокулайлик туғдирувчи жиҳатлардан бири. Муаммони ҳал этиш учун республика судлари судьяларининг иш ҳажмини таҳлил қилган ҳолда улар ўртасида адолатли иш тақсимотини таъминлаш максадида судьяларни ротация қилиш масаласини ҳал этиш лозим деган фикрга келинди. Бу судьянинг икки йил ўтмасдан бир суддан бошқасига ротация қилинишига йўл қўйил-

маслиги бўйича қонунчиликда белгиланган қоиданинг алоҳида ҳолларда истисно қилиниши юзасидан ўзгартириш киритиш заруратини пайдо қиласди.

Инвестициявий низоларнинг туманлараро иқтисодий судларда кўрилиши бир хил суд амалиётини шакллантириш имконини бермайди. Табиийки, бу инвесторларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлади ва бу тоифадаги ишларни кўришга ўртacha 5-6 ой сарфланмоқда.

Давра сұхбатида инвестициявий низоларни вилоят ва унга тенглаштирилган судлар ва Олий суд томонидан кўриб чиқиш тартибини жорий этиш Ўзбекистоннинг ҳалқаро рейтинглардаги, жумладан “Doing business”даги ўрнини кўтариши эътироф этилди.

Бу борадаги фаолиятни қўйидаги шаклда ташкил этиш таклиф этилди. Олий суд тузилмасида инвестициявий низолар бўйича судлов таркиби тузиб, унинг ваколатига томонлардан бири камида ўн миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритган йирик инвестор фаолияти билан боғлиқ низоларни биринчи инстанцияда кўриб чиқиши белгиланади. Олий суд инвестициявий низолар бўйича судлов таркиби судловига кирмайдиган инвестициявий низоларни кўриб чиқиш вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларнинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатлари томонидан амалга оширилади.

Олий суднинг қонунчилик ташабbusи ҳуқуқи бўлса-да, унинг тузилмасида норма

ижодкорлиги билан шугулланувчи махсус таркибий тузилма бўлмаганинги сабабли бу ваколатидан тўлиқ фойдалана олаётганийдик. Шунингдек, Олий суд матбуот хизматининг амалдаги штат бирлиги судларда очиқлик ва шаффоффликни таъминлаш, ОАВ билан самарали ҳамкорликни йўлга кўйиш, судлар фаолияти ҳақида тўлиқ ва ишончли маълумотни етказиш имкониятини бермайди. Бу масалаларга чора сифатида Олий суд тузилмасида суд-хуқуқ соҳасида қонунчиликни таҳлил қилиш, судларнинг ташкилий фаолиятини мувофиқлаштириш, жамоатчилик ва ОАВ билан ҳамкорликни амалга оширувчи таркибий тузилмаларни ташкил этиш лозимлиги таъкидланди.

Давр янгиланиб, турмуш тарзи, ҳаётий мезонлар ўзгариб борар экан, қонун-қоидалар ҳам ўзгаришга юз тутиши табиий. Давра сухбати давомида соҳага доир амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш борасида ҳам баъзи бир фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Амалдаги Фуқаролик, Иқтисодий ва Маъмурӣ суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларда назорат шикояти (протест) ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичida берилиши мумкинлиги белгиланган. Бироқ, ушбу муддат қисқа бўлиб, фуқаролар бу вақт оралиғида ўзларининг хуқуқларини доим ҳам тиклай олишмаяпти. Шунинг учун назорат шикояти (протест) ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч йил ичida берилиши мумкинлигини процессуал қонунчиликда белгилаш муҳокама қилинди.

Бугунги кунда суд раисларининг судьялар фаолияти устидан назоратни амалга

оширишининг самарали механизмини яратиш учун Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди раисига судьяларга нисбатан интизомий иш кўзғатиш тўғрисида Судьялар олий кенгашига тақдимнома киритиш хуқуқини бериш лозимлиги таъкидланди.

Фуқаролик ишлари бўйича судларда иш ҳажмининг кўплиги, суд томонидан талаб қилиб олиниши лозим бўлган далилларни тўплашга узоқ вақт сарфланиши, мураккаб тоифадаги ишларнинг қисқа муддатда кўрилиши сифатсиз қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлаётганилиги аникланган. Масалани ижобий ҳал қилиш учун фуқаролик судлари томонидан ишларни кўриш муддатини бекор қилиш таклиф этилди.


Фуқаролик, иқтисодий ва маъмурӣ ишларни кўриш алоҳида процессуал кодекслар асосида амалга оширилса-да, уларнинг мазмуни бир-бирига ўхшаш. Бироқ, судлар ўртасида ишларнинг судловга тааллуқлилиги масаласи турлича талқин қилинаётганилиги фуқароларнинг оворагарчилигига ҳамда одил судловга эришиш даражасининг пасайишига олиб келмоқда. Буни бартараф этиш учун Фуқаролик, Иқтисодий процессуал кодекси ва Маъмурӣ суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексни бирлаштириб, ягона процессуал кодексни қабул қилиш кераклиги айтилди.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга кўра, прокурор тарафларнинг аризаси бор ёки йўқлигидан қатъий назар, қонуний кучга кирган ҳар қандай суд ишини ўз ваколатлари доирасида суддан талаб қилиб олиш ва суд қарорларига протест келтиришга ҳақли. Бу эса судьяларнинг мустақиллигини чекловчи, уларга таъсир ўтказувчи омил ҳисобланади. Прокурор томонидан протест келтириш фақат иштирок этган ишлари юзасидан ва тарафларнинг илтимосига кўра амалга оширилишини қонунчиликда белгилаш лозимлиги масаласи ҳам ўртага ташланди.

Мутахассислар ва мутасадди ташкилотлар вакиллари мазкур таклифларга ўз муносабатларини билдириди. Иштирокчилар судларни бирлаштириш масаласини маъқуллаб, таклифлар ўринли эканлигини эътироф этилди. Қолган масалалар бўйича эса қўшимча таклифлар, мулоҳазалар айтилди. Давра сухбати танқидий-таҳлилий руҳда ва ошкорда тарзда ўтди.

**Сирожиддин ИБРОҲИМОВ,
“Odillik mezoni” мухбири**





СУД НАЗОРАТИ ИНСТИТУТИ ТАКОМИЛЛАШУВ БОСҚИЧИДА

Рахимқул ТОШБОЕВ,
Судъялар олий мактаби
бош мутахассиси

Жиноят процессида суд назоратининг энг муҳим белгиси бу – фақатгина айрим процессуал ва тергов ҳаракатларини ўтказишга рухсат беришдан иборат бўлиб қолмасдан, балки фуқароларнинг конституцион ҳуқуqlари ва эркинликлари бузилишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ва қарорлар устидан келиб тушган шикоятларнинг суд томонидан кўрилиши ҳам ҳисобланади.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг (кейинги ўринларда ЖПК) 29-моддасига кўра, қамоққа олиш ёки уй қамоги тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёхуд қамоқда сақлаш ёки уй қамоги муддатини узайтириш, айланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ёки тиббий муассасада бўлиш муддатини узайтириш, мурдани эксгумация қилиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш каби ҳаракатларни ўтказишга рухсат бериш суднинг ваколатига таалкуқли, холос.

Бироқ, ЖПКнинг 602-моддасидаги Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган шахсни хорижий давлатга ушлаб бериш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилинишини истисно этганда, суд назоратининг энг муҳим белгиси бўлиб ҳисобланган терговга қадар текширувни амалга оширувчи, суриштирув, тергов органлари мансабдор шахсларининг, прокурорнинг ва жазони ижро этувчи муассасалар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан келиб тушган шикоятларнинг суд томонидан кўрилиши ЖПКда ўз аксини топмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида ҳам ишни судга қадар юритиш босқичида

амалга ошириладиган процессуал қарорлар ва ҳаракатлар устидан судга шикоят қилиш институтини жорий этиш бежизга назарда тутимаган, албатта.

Жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида ва жазони ижро этувчи муассасалар фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш учун қўйидаги чораларни амалга ошириш тақлиф этилади.

Биринчидан, ЖПКга шахс ҳуқук ва эркинликларининг суд ҳимояси деб номланган янги принципни киритиш мақсадга мувофиқ. Ушбу янги жиноят-ҳуқуқий принцип ҳар бир шахсга ўз ҳуқук ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланишини, давлат ҳар бир шахсга одил судловга эришишини ҳамда қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда етказилган зарар ундирилиши кафолатлашини назарда тутиши лозим.

Қайд этиш лозимки, ЖПКга киритиш тақлиф этилаётган ушбу янги принцип Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасидаги ҳар бир шахсга ўз ҳуқук ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланиши тўғрисидаги нормага тўла мувофиқ келади ҳамда жиноят ишларини юритишида унинг ижросини таъминлашга хизмат қиласди.

Иккинчидан, суднинг ваколатлари назарда тутилган ЖПКнинг 29-моддасига терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар мансабдор шахсларининг, суриштирувчи, терговчичи ва прокурорнинг, шунингдек жазони ижро этиши муассасалари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиши ваколатини назарда тутувчи қўшимчаларни киритиши таклиф этилади.

Ушбу қўшимчалар судларга ишни судга қадар юритиши ҳамда суд ҳукми, ажрими ва қарорлари ижросини таъминлаш босқичларида суд назоратини олиб бориш ҳуқуқини беради.

Учинчидан, амалдаги ЖПК жиноят ишини юритувчи давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят қилиш тартибини белгиловчи янги боб билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқдир.

ЖПК 27-моддасининг биринчи қисмидан процесс иштирокчилари ва бошқа шахслар, шунингдек жиноят ишини юритишидан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари ушбу Кодексда белгилаб қўйилган тартибда ва муддатда суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят беришга ҳақли эканлиги назарда

тутилган. Ушбу норма умумий характерга эга бўлиб, унда аниқ тартиб баён қилинмаган.

Шу билан бирга, ЖПКнинг ишни судга қадар юритиши босқичига оид турли боб ва моддаларида процесс иштирокчилари терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар мансабдор шахсларининг, суриштирувчи, терговчининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан прокурорга шикоят қилиниши, прокурорнинг қарорлари устидан эса юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкинлиги назарда тутилган, холос.

Хусусан, ЖПК 338-моддасининг биринчи қисмига кўра, прокурорнинг жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги қарори устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин. Худди шунингдек, жиноят иши қўзғатишни рад қилиши (333-модда) ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор (374-модда) устидан ҳам прокурорга шикоят қилиниши мумкинлиги кўзда тутилган.

Бироқ, амалдаги ЖПКда прокурор томонидан бундай шикоятлар қандай тартибда ва қанча муддатда кўриб чиқилиши аниқ ўз аксини топмаган. Ушбу ҳуқуқий бўшлиқ эса, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашга салбий таъсир кўрсатади.

Шу сабабли, амалдаги ЖПКга киритиш таклиф этилаётган янги бобда ушбу масалани тартибига соловчи аниқ нормалар баён қилинади.





Хусусан: терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан – ушбу орган бошлигига, прокурорга ёки судга;

суриштирувчининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан – суриштирув органни бошлигига, прокурорга ёки судга;

терговчининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан – дастлабки тергов органи бошлигига, прокурорга ёки судга;

прокурорнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан – юқори турувчи прокурорга ёки судга;

суднинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан, қонунда назарда тутилган ҳолларда – юқори турувчи судга шикоят қилиниши белгиланади.

Шикоят хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахслар орқали ёки бўлмаса тўғридан-тўғри судга тақдим этилиши мумкин. Агарда шикоят хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахслар орқали тақдим этилганда, ушбу шахслар шикоятни 24 соат ичida, унда кўрсатилган орган ёки мансабдор шахсга юбориши шартлиги назарда тутилади.

Мазкур янги бобда терговга қадар текширишни олиб борувчи, суриштирув ёки дастлабки тергов органдарни бошликлари ёки прокурор келиб тушган шикоятни 3 сут-

кадан кечикирмасдан кўриб чиқиши лозимлиги, агарда шикоятда келтирилган важларни текшириш учун қўшимча материалларни ўрганиш ёки бошқа чораларни кўриш зарурияти мавжуд бўлса – 10 суткадан кечикирмасдан кўриб чиқиши лозимлиги назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир.

Тегишли органлар бошликлари ёки прокурор шикоятни ўрганиш натижаси бўйича асослантирилган қарор чиқариши, лозим деб топилган ҳолларда эса ушбу қарор орқали терговга қадар текширишни олиб борувчи, суриштирув ёки тергов органига тегишли кўрсатмаларни бериши мумкин. Шикоятни ўрганиш натижаси юзасидан албатта шикоят муаллифига ёзма жавоб хати юборилади.

Бундай аниқ тартибининг белгиланиши ЖПКдаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш билан биргалиқда, ишни судга қадар юритиш босқичида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олади.

Тўртинчидан, амалдаги ЖПК жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида суд назорати масалаларига багишиланган янги боб билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқдир.

Ушбу янги бобда жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида суд назорати қўйидаги кўринишларда олиб борилишини белгилаш мақсадга мувофиқдир:

➔ жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида ноошкора тергов ҳаракатларини, хусусан: шахсни ёки жойни ноошкора кузатувга олиш ҳамда

аудио ва (ёки) видео назорат қилиш; телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшишиб туриш; телекоммуникация тармоқлари орқали юбориладиган маълумотларни ноошкора назорат қилиш, ушлаб қолиш ва олиб кўйиш; маълумотларни йиғиш, қайта ишилаш, тўплаш ва саклашга мўлжалланган компютер, сервер ва бошқа қурилмалардаги маълумотларни ноошкора олиш; почта, курьерлик жўнатмаларини, телеграф хабарларини ва бошқа хабарларни ноошкора назорат қилиш; турар жойларга ва бошқа жойларга, биноларга, иншиоотларга, жойнинг участкаларига ва транспорт воситаларига ноошкора кириш ва текшириш;

→ текшириш учун хариð қилиш каби ноошкора тергов ҳаракатларини ўтказишга рухсат бериси;

→ шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоги тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёхуд қамоқда саклаш ёки уй қамоги муддатини узайтиши, уй қамоги бўйича кўшимча тақиқлар (чекловлар)ни белгилаш, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтиши, мурдан эксгумация қилиш, почта-телефон жўнатмаларини хатлаш, тинтуб ўтказиш, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшишиб туриш тўврисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиши;

→ терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахснинг, суриширувчи, терговчи ва прокурорнинг жиноят тўврисидаги хабарни қабул қилишини рад қилиш, жиноят ишини кўзгатиши ёки уни кўзгатишини рад қилиш, жиноят ишини юритишини тўхтатиши, жиноят ишини тугатиши ва фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган бошқа хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиши.

Шунингдек, мазкур З та йўналиш бўйича суд назоратига оид масалаларни кўриб чиқишининг ўзига хос тартиб ва муддатлари аниқ баён этилиши мақсадга мувофиқдир.

Хусusan, жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида ноошкора тергов ҳаракатларини ўтказишга рухсат бериш масаласи суд мажлиси ўтказилмасдан, ишда иштирок этувчи тарафлар иштироқисиз судья томонидан ноошкора тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақидаги қарор унга илова қилинган материаллар судга келиб тушганидан сўнг 12 соат ичидаги кўриб чиқилишини белгилаш тақлиф этилади.

Шу билан бирга, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ноошкора тергов ҳаракатларини судъянинг рухсатисиз ўтказилиши мумкинлиги, лекин бундай ҳолда кейинчалик шу ўтказилган ҳаракат ҳақида 24 соат ичидаги судга хабар қилиниши ва тегишли материаллар тақдим этилиши, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар судга юборилган





хабарномада асослантирилган бўлиши лозимлиги, судья хабарнома ва унга илова қилинган материалларни ўрганиб чикиб, 24 соат ичидаги ношкора тергов ҳаракатининг қонуний ёки ноқонунийлигига баҳо бериси лозимлиги, агарда ўтказилган ҳаракат ноқонуний деган холосага келинган тақдирда, ушбу ҳаракат давомида олинган маълумотлар номақбул далил сифатида баҳоланиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоги тарзидаги эҳтиёт чорасини кўллаш ёхуд қамоқда сақлаш ёки уй қамоги муддатини узайтириш, уй қамоги бўйича кўшимча тақиқлар (чекловлар) ни белгилаш, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш, мурдани экслугмания қилиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимосномаларни судья амалдаги тартиб бўйича кўриб чиқиши лозим.

Бирок, тинтуб ўтказиш, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшлитиб туриш тўғрисидаги илтимосномалар судья томонидан суд мажлиси ўтказилмасдан, ишда иштирок этувчи шахслар иштирокисиз илтимоснома ва унга илова қилинган материаллар судга келиб тушганидан сўнг 12 соат ичидаги кўриб чиқилишини белгилаш тақлиф этилади.

Шу билан бирга, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ушбу тергов ҳаракатлари судьянинг рухсатисиз ўтказилиши мумкинлиги, лекин юқорида кўрсатиб ўтилган тартибда бу ҳақда судга хабарнома ва тегишли материаллар тақдим этилиши, суд эса ўз

навбатида ўтказилган тергов ҳаракатининг қонуний ёки ноқонунийлигига баҳо бериси лозимлиги мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахснинг, суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг жиноят тўғрисидаги хабарни қабул қилишни рад қилиш, жиноят ишини кўзғатиш ёки уни кўзғатишини рад қилиш, жиноят ишини юритишини тўхтатиш, жиноят ишини тугатиш ва фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган бошқа хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан келиб тушган шикоятлар судья томонидан 3 суткадан кечиктирилмасдан, ишда иштирок этувчи тарафлар иштирокида суд мажлисида кўриб чиқилиши тақлиф этилади.

Судья шикоятни кўриб чиқиш натижаси бўйича қуидаги ажримлардан бирини қабул қилиши тақлиф этилади:

► шикоятни қаноатлантирган ҳолда, тегишли хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ва қарорларни ноқонуний ва асоссиз деб топиш ҳамда жиноят ишини юритувчи тегишли мансабдор шахс зиммасига уларни бартараф этиши мажбуриятини юклаш;

► шикоятни қаноатлантиришини рад қилиш.

Судьянинг ишни судга қадар юритиш босқичида юқорида кўрсатилган учта йўналишдаги масалалар юзасидан чиқарган ажрими устидан юқори турувчи судга шикоят ёки протест келтирилиши мумкинлигини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида суд назоратини олиб бориши ваколатини туман (шахар) судида ёки ҳудудий ҳарбий судда фаолият юритаётган судьялардан бири зиммасига юклатиш ва ушибу судья кейинчалик мазкур жиноят ишини мазмунан муҳокама қилишда иштирок эттаслигини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса, жойларда 4 та ихтинослик бўйича фаолият юритаётган судларни бирлаштириш лозим бўлади. Судья зиммасига суд назоратини олиб бориши ваколати Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг қарори билан 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга юклатилиши мақсадга мувофиқдир.

Олтинчидан, суд назоратини нафакат жиноят ишини судга қадар юритиш босқичига, балки жиноят иши юзасидан чиқарилган суд ҳукми, ажрими ва қарори ижросини таъминлаш босқичига ҳам жорий қилиш таклиф этилади.

Чунки, маҳкумларга нисбатан жиноий жазоларни ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш ўта долзарб масаладир.

Шу сабабли, маҳкум ўзининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида суд ҳукми, ажрими ва қарори ижросини таъминлаш босқичида судга жазони ижро этиш муассасаси мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари, шу жумладан, интизомий жазо чораларини қўллаш борасидаги қарорлари устидан, шунингдек прокурорнинг

бу борада шикоятни қаноатлантирумасдан қолдириш ҳақидаги қарори устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Бундай шикоят маҳкумга нисбатан жиноий жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилаётган жойдаги туман (шахар) суддининг судьяси томонидан маҳкум, унинг қонуний вакили, ҳимоячи ва прокурор иштирокида 3 суткадан кечиктирумасдан суд мажлисида кўриб чиқилишини белгилаш таклиф этилади.

Судья шикоятни кўриб чиқиши натижаси бўйича қўйидаги ажримлардан бирини қабул қилиши таклиф этилади:

► шикоятни қаноатлантирган ҳолда, тегишили хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ёки қарорларни ноқонуний деб топиш ва уларни бекор қилиши;

► шикоятни қаноатлантиришини рад қилиши;

► жазони ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чорасини ижро қилишда маҳкумга нисбатан қийинқа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турлари қўлланилганлиги ҳолати юзасидан прокурор зиммасига тегишили чораларни кўриши мажбуриятини юклаш.

Қонунчиликда бундай тартибининг белгиланиши маҳкумларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашни сифат ва самарадорлик жиҳатидан бутунлай янги босқичга олиб чиқади.

Юқорида қайд этилган таклифлар Германия, Франция, Россия Федерацияси, Украина, Қозогистон, Қирғизистон Республикалари жиноят-процессуал қонунчилигини ўрганиш натижасида тайёрланди.





ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ КОРРУПЦИОН ЖАВОБГАРЛИГИ: СУД ҚАРОРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

Файбулла АЛИМОВ,

Юристлар малакасини
ошириш маркази доценти

Антикоррупцион тизимга аъзо давлатларда кенг қўлланиладиган жазо турларидан бирни бу – суд қарорларини чоп этиб бориш ҳисобланади. Бундай жазо тури Македония Республикаси, Черногория, Руминия, Сербия ва Словения қонунчилигида мавжуд бўлиб, бу юридик шахсларнинг жиноят содир этишдан тийиб турувчи восита сифатида фойдаланилади¹. Масалан, Черногориянинг Юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги Қонунининг 31-моддасида санкциянинг қўйидаги таърифи берилган:

“(1) Суд хавфсизлик чоралари сифатида суд қарорини чиқариши мумкин, агарда суд қарор ҳақида жамоатчиликни хабардор қилишни лозим деб топса, шу жумладан, чоп этилган суд қарори фуқароларнинг ҳаёти, соглиги ёки савдони ҳимоя қилиш ёки бошқа манфаатдорларнинг хавфсизлигини таъминласа.

(2) Жиноий қилмишининг мувофиқлигидан келиб чиқиб ва жамоатчиликни хабардор қилиш нуқтаи назаридан, суд ўз қарорини чоп этаидиган ОАВ турини танлаши, шунингдек суд қарорининг асосий қисмини тўлиқ ёки ундан кўчирмалар олиш орқали чоп этиши жамиятга қандай манфаат келтиришидан келиб чиқиб, суд қароридан манфаатдор бўлган шахсларга бу ҳақда маълум қиласди”.

ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ САНКЦИЯЛАР

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти антикоррупцион тизимида аъзо мамлакатларнинг бирортаси ҳам АҚШда қўлланиладиган фуқаролик жарималари ва жазолаш компенсацияларини тан олмайди. Коррупцияга қарши курашиш ёки бошқа жиноий қилмиш нуқтаи назаридан фуқаролик жавобгарлиги, жиноят натижасида етказилган зарап қоплашни англатади. Шу боис, ҳар бир мамлакат жиноят содир этиш ёки жиноятчуни шахси билан боғлиқ ёки умуман корпоратив жиноят содир этгандарга алоҳида шароит яратиш сингари масалаларни мустақил ҳал этиш ҳуқуқига эга.

Корпоратив жиноятчилик масалаларида антикоррупция тизимида аъзо давлатлар иккита гурухга бўлинади: тахминан уларнинг ярмида юридик шахслар учун алоҳида шарт-шароитлар мавжуд бўлса, бир вақтнинг ўзида қолганлари умумий принциплардан фойдаланишади, яъни илгаридан жисмоний шахслар учун ишлаб чиқилган жиноятнинг оғирлик даражаси, айни тан олганлиги, рецидивнинг мавжудлиги, олдиндан тил бириктириш ва ҳ.к. Ушбу тадқиқот иши асосан юридик шахслар учун маҳсус ишлаб чиқилган жазо тайинлаш принциплари тамойилларига асосланади.

Шунингдек, кўпгина мамлакатларда фуқаролик судлари юридик шахсларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин, агарда бу қарор шу давлатда мавжуд бўлган қонунчилик мақсадларига ва фаолиятига зид келмайдиган бўлса.

Юқорида келтириб ўтганимиздек, ҳалқаро ҳуқуқ нормалари юридик шахсларга нисбатан жазо тайинлашда қандай ҳолатлар инобатга олиниши лозимлиги ҳақида кўрсатмалар бермайди. Шу сабаб-

ли, ҳар бир мамлакат юридик шахсларни жавобгарликка тортишда бу ҳолатни жисмоний шахслар ҳатти-ҳаракатлари билан боғлайдими ёки корпоратив жиноятчилар учун алоҳида шарт-шароит яратадими, мустақил ҳал этиш ҳуқуқига эга.

ЖАЗО БЕЛГИЛАШНИНГ ШАРТЛАРИ

Юридик шахсга нисбатан тайинланадиган жазо турини белгилашга йўналтирилган алоҳида шарт-шароитлардан бири, бу айбланаётган юридик шахснинг иқтисодий ҳолати ҳисобланади. Бу принцип барча ИХ ва РТ антикоррупцион тизимига аъзо бўлган мамлакатлар қонунчилигига киритилган ва буни асосли деб топсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Юридик шахсга нисбатан белгиланган жазо тури нафақат уни кела-жакда жиноятни такрор содир этишдан тийиб турадиган омил ҳисобланади, балки бу жазо тури самарали ва қилмишга яраша бўлиши ҳам лозим. Аксарият ҳолатларда жазонинг мақсади компания фаолиятини тугатиш эмас, балки шу компанияни қонуний бизнес олиб боришига йўл очиб бериши жоиз. Бу мақсадга агарда компаниянинг маблағлари ёки активлари ундан олиб қўйилган бўлса эришиб бўлмайди. Шунингдек, суд жазо тайинлашда бу ерда учинчи шахслар, яъни компания ходимлари ва акциядорлари манфаатларига ҳам зарар етказмаслик ҳолатини ҳам инобатга олишлари зарур.

Юридик шахсларнинг иқтисодий мустақиллигидан ташқари, антикоррупцион тизимга аъзо мамлакатлар қонунчилигига жазо турини белгилашда бошқа шарт-шароитлар ҳам мавжуд. Юридик шахсларга жазо тайинлашда инобатга олиниши мумкин бўлган ҳолатлар бўйича раҳбарий кўрсатмаларнинг кўпчилиги Черногория қонунчилигига назарда тутилган. Зоро биринчидан, Юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўгрисидаги Қонуннинг 1-параграф 14-моддасида келтирилганки, унда “жарима миқдори етказилган зарар ёки ноқонуний олинган фойда миқдоридан келиб чиқиб белгиланади ва бу ердаги фарқ катта бўлса, унда тайинланадиган жарима миқдори унинг энг катта миқдорига тенг бўлиши лозим”. Бу қоида қонуннинг 16-моддасида янада кенгайтирилиб, унда антикоррупцион тизимга аъзо давлатларнинг мавжуд жазо тайинлашнинг маҳсус принципларини ҳам қамраб олади. Келтириб ўтилган барча турларни қамраб олиш учун Озарбайжон қонунчилигига мавжуд бўлган енгиллаштирувчи ҳолат ҳисоблан-



ган хайрия фаолиятини ҳам қўшиш лозим. Юқорида келтириб ўтилган 1-параграф 16-модда қўйидагиларни назарда тутади:

“Суд юридик шахсларга жиноят содир этганилик учун тайинланадиган жарима ҳажмини белгилашда жазо мақсади ва жаримани кам ёки кўп миқдорига таъсир этувчи (оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар) қўйидагиларни:

- ➡ жиноий қилмишининг оғирлик даражасини, умумий манфаатларга етказиладиган хавфни;
- ➡ жиноят содир этган юридик шахснинг жавобгарлик даражасини;
- ➡ жиноят содир этган масъул шахсларнинг сони ва уларнинг юридик шахсда эгаллаган лавозимлари;
- ➡ масъул шахсларнинг муқаддам судланганлик ёки судланмаганликлари ёки қонунни ва бошқа тартиб қоидаларни бузганликлари;
- ➡ жиноий қилмишини содир этиш шарт-шароитлари;
- ➡ юридик шахснинг иқтисодий ахволи ва тижорат фаолияти натижалари;
- ➡ юридик шахснинг олдинги иш фаолияти, қонун ва бошқа қоидаларни бузган-бузмаганлиги;
- ➡ юридик шахснинг жиноят содир этилгандан кейинги хулқ-атвори, етарли назоратни амалга оширгмаган шахсларни ишдан бўшатиши, интизомий жазога тортиши ва жиноят содир этган масъул шахс билан меҳнат шартномасини бекор қилинганлиги;
- ➡ жиноят натижасида зарар кўрган жабрланувчига муносабати, унга

етказилган зарарни қоплаб бершии ва жиноят содир этилиши натижасида келиб чиқсан оқибатларни бартараф этилиши, шунингдек мазкур ҳаракатларни унга нисбатан жиноят иши қўзгатилгандан олдин ва кейин амалга оширганилиги;

➡ оғир молиявий ҳолатлардан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиши, қийин шароитларда, эҳтиёж сабабли, тажрибасизлиги натижасида, эҳтиётсизлик оқибатида ёки жабрланивчининг қарор қабул қилишда тажрибасизлик қилиши натижасида содир этилиши;

➡ жиноий қилмиши содир этилиши натижасида олган моддий фойданни қайтарилиши ҳолати;

➡ юридик шахс томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш ва аниқлашга ўйналиринг самарали ва зарур чораларни кўриши;

➡ юридик шахс томонидан жиноят иши қўзгатилгунга қадар жиноят ҳақидаги хабарни тегишили органларга етказиши, унинг жиноятларни аниқлаш, жиноий таъқибни амалга оширувчи давлат органлари билан ҳамкорлиги ёки жиноятни тергов жараёнига аралашиши ҳолати;

➡ юридик шахснинг содир этилган жиноятга муносабати, жиноят содир этганлик ҳақида иқрорлиги” ҳолатларини.

Шунингдек, 17-модда судларга яна қуидаги ҳолатларга эътибор беришни назарда тутади: юридик шахс илгари жиноий қилмишлар содир этганлиги муносабати билан жавобгарликка тортилганми, содир этган бўлса илгарики қилмиши ҳам шу жиноятлар тоифасига кирадими ва охиргиси олдинги жинояти юзасидан чиқарилган айблов ҳукмига қанча вақт бўлган. Агарда юридик шахснинг жиноий қилмиш содир этганлиги учун камиди икки марта судланганлиги ва тайинланган жарималарнинг умумий миқдори 50 000 евродан ошган бўлса, шунингдек, охирги тайинланган жарима муддати 5 йилдан ошмаган бўлса, суд юридик шахсга тайинланадиган жарима миқдорини икки минимал миқдорга кўтариши мумкин (18-м.).

Украина ЖКнинг 96¹-моддаси талабларига кўра суд юридик шахсга жиноий-ҳуқуқий характердаги жазо турини тайинлашда жиноят содир этган шахс қилмишининг оғирлик даражасини, жиноий мақсадга қанчалик эришганлик даражасини, етказилган зарар миқдорини, ноқонуний фойданинг характеристи ва миқдорини ҳамда юридик шахснинг жиноятнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатларини инобатга олади.

ШАРТЛИ ЖАЗО

Черногория қонунчилиги ҳам пухта ўйланган шартли жазо тизимига эга. Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги Қонуннинг 24-моддасида келтириб





ўтилишича, суд юридик шахсга нисбатан 100 000 евро микдорида жарима жазоси тайинлади, агарда юридик шахс суд белгилаган бир йилдан уч йилгача синов муддатида янги жиноята айборд деб топилмаса². Шунингдек, суд қарор қилиши мумкинки, агарда юридик шахс қонунда кўрсатилган муддатларда жиноят содир этилиши натижасида олган моддий фойдани қайтара олмаса, жиноят натижасида етказилган зарарни қопламаса ёки жиноий-ҳукукий норма билан юклатилган бошқа мажбуриятларини бажармаса, жазо ижро этилиши шарт.

Келтириб ўтилганлардан ташқари суд шартли жазога маҳкум қилинган юридик шахсни маълум вақтга ҳимоя назорати остига олиши мумкин, яъни бу шуни англатадики, юридик шахс куйида келтирилган бир ёки бир нечта мажбуриятларни бажариши лозим:

➡ янги жиноят содир қилишининг олдини олишга қаратилган самарали ва мантиқий дастур ишлаб чиқиши ва амалга ошириши;

➡ жиноятларни келажакда содир этилишининг олдини олишга ўйналтирилган ички назорат тизимини яратиш;

➡ ҳимоя назоратини амалга оширувчи давлат организига ўз тижорат амаллари тўйрисида мунтазам ҳисобот берив бориши;

➡ жиноят содир этилиши натижасида етказилиши мумкин бўлган зарарнинг келиб чиқиши хавфини ўйқотиш ёки камайтириши;

➡ қонуннинг қайтадан бузилишига шароит яратадиган ёки турткни бўладиган тижорат фаолиятидан ўзи ни тиийб туриши;

➡ жиноят содир этилиши натижасида етказилган зарарни камайтириши ёки бартараф этиши;

➡ юридик шахснинг одатий фаолиятига хавф солмайдиган жамоатчилик ишларини олти ой давомида ижро этиши лозим³.

Жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш

Кўпгина тортишувларга сабаб бўлган яна бир институт бу “зарурий эҳтиёткорлик” (due diligence) масаласи ҳисобланниб, унга кўра юридик шахснинг жавобгарлиги мустаҳкамланган тартибда, агарда оддий ходимнинг содир қилган қилмиши ўз на вбатида юридик шахснинг жавобгарлигини келтириб чиқариши мумкинлиги масаласидир. Аксарият юрисдикцияларда ўрнатилган тартибининг ижроси ишончли дастурнинг мавжудлиги яна бир омил ҳисобланниб, у юридик шахсга жазо тайинлашда инобатга олинади⁴. Бошқа давлатларда айниқса улардан ташкилий ёндашувдан фойдаланганларида анчайин кўпроқ аҳамиятга ком-

пания томонидан бошқа ходимлари томонидан жиноят содир этишнинг олдини олишга йўналтирилган чоралар аҳамиятга эга. Масалан, Нидерландия, Австралия ва Швейцария каби мамлакатларда агарда юридик шахсга нисбатан олиб борилган терғов ҳаракатларида ёки суд жараёнида юридик шахс томонидан ўрнатилган тартибга амал қилиш қоида ва механизмлари етарли даражада ишлаб чиқилган бўлса ва у жиноят содир этишнинг олдини олиш учун унга боғлиқ бўлган барча ҳаракатларни амалга оширган бўлса, юридик шахс жавобгарликдан озод қилинади⁵. “Зарурий эҳтиёткорлик” ҳимоя воситаси сифатида Япония ва Жанубий Корея қонунчилигида ҳам мавжуд бўлиб, унинг хусусияти шундан иборатки, бу ерда корпаратив маданиятдаги камчиликлар ва назорат амалиётини исботлаш мажбурияти компанияларнинг ўзига юклатилган⁶. АҚШ Федерал суд амалиётида ҳам исботлаш мажбурияти давлатдан олиниб, айланувчи томонга юклатилган.

Айрим муаллифлар “агарда ўрнатилган талаб чораларни қўлламаслик жавобгарликнинг келиб чиқшини назарда тутса ёки зарурий эҳтиёткорликка ҳимоя воситаси сифатида қаралса, унда бу ҳолат юридик шахсларнинг жавобгарлиги тартибини яна-да адолатли ва самарали бўлишини таъминлайди”, деб ҳисоблашади. Уларнинг таъкидлашича, бу ёндашув компанияларни ўрнатилган қоидаларга амал қилиш бўйича ишончли дастурлар ишлаб чиқишга ҳамда бу қоидалар бузилганда уларни давлат органлари билан ҳамкорлик қилишига ундайди⁷. Бошқа муаллифлар эса бу ёндашувга ишончсизлик билан қарашади. Уларнинг эътиroz билдиришича, бу ёндашув кўпроқ

йўл-транспорт ҳодисалари, экологик оғатлар ва бошқа эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятларга нисбатан татбиқ этиш мумкин, аммо уни юқори даражадаги коррупцион жиноятларга қўллаб бўлмайди. Шахснинг эҳтиётсиз ҳаракатлари натижасида ҳам одам ўлими келиб чиқиши мумкин, айниқса бу ҳолат хавфсизлик қоидаларини таъминлаш масаласи талаб даражасида эмаслиги муқаррар бўлган компанияларда юз бериши мумкин. Бирок ҳалоллик қоидаларига қатъий амал қиласидан ва ўз ходимларининг нотўғри хатти-ҳаракатларига йўл қўймайдиган компанияда оддий ходим томонидан компанияга тегишли миллионлаб пулни давлатнинг юқори даражадаги масъуль мансабдор шахсига пора сифатида бериш имконияти деярли йўқ. Лекин улкан лойиҳалар учун улкан пул тўланади, бу ҳолатда пора бериш бизнес юритишнинг оддий ҳолати сифатида қаралиши мумкин, шу боис, ҳатто менежментнинг энг юқори даражасида ҳам, жавобгарлик масаласи ички қоидаларнинг ва директив хужжатларнинг сонига боғлиқ бўлмаслиги жоиз.

Умуман олганда бу назарий жиҳатдан мунозарали масала ҳисобланади, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланниш Ташиклиоти органлари “зарурий эҳтиёткорлик”га амалиётининг зарурий воситаси сифатида қарашади ва уни енгил шаклда қўллашни тавсия қилишади⁸. Ишлатилаётган ҳимоя модели вариантини Италия мисолида кўриш мумкин, у ерда қонун шуни назарда туладики, юридик шахс содир этилган жиноят учун жавобгарликка тортилмайди, агарда жиноят раҳбар лавозимидағи шахс ёки унинг раҳбарлиги ёки назо-





рати остида шахс томонидан содир этганигини куйидаги ҳолатлар билан исботланса:

➔ агарда раҳбарият содир этилган жиноят бўйича жиноятларнинг олдини олишининг самарали ташкилий-бошқарув моделини қабул қилиб, ундан талаб даражасида фойдаланган бўлса;

➔ мажбурий ижро ва янгиланган модельни амалга ошириши юзасидан мустақил назоратни таъминловчи орган яратилган бўлса;

➔ ушбу модель фаолиятини таъминлаш учун мустақил орган назоратни етарли даражада таъминлаган бўлса;

➔ жисмоний шахс — жиноятнинг бажарувчиси фирибгарлик ўйли билан фаолият юритаётган тизимни айланаб үтган бўлса⁹.

Антикоррупцион тизимга аъзо бўлган давлатлар ичida “зарурий эҳтиёткорлик” фақат қонун даражасида Черногория қонунчилигида назарда тутилган бўлиб, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги Қонуннинг 3-параграф 23-моддасида “суд юридик шахсни жазодан озод қилиши мумкин, қачонки юридик шахс жиноятларнинг олдини олиш учун барча самарали, зарурий ва мантикий чораларни кўрган бўлса”, деб белгиланган.

Черногориянинг юқорида қайд этилган 23-моддаси юридик шахсларни жиноий жавобгарлиқдан озод қилишнинг иккита асосини келтириб ўтади: биринчидан, агарда юридик шахс жиноят иши қўзғатилишидан олдин содир этилган жиноятни аниқлаб ва унга маълум бўлган жиноят ҳақида тегишли органга хабар берса, у жиноий жавобгарликдан озод этилади (1*-параграф). Юридик шахсни жиноий жавобгарлиқдан озод этиш

яна шунда мумкинки, агарда юридик шахс ўз хоҳиши билан ва дарҳол ноқонуний олинган моддий фойдани қайтарса ёхуд етказилган зарарли оқибатни бартараф эта ёхуд у билан ташкилий жиҳатдан боғлиқ бўлмаган бошқа юридик шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида маълумот берса (2-параграф). Ҳар иккала асослар Македония Республикаси ва Словения қонунчилигида ҳам келтириб ўтилган. Словенияда фақат бу асос “назорат мавжуд бўлмаган қоида” юзага келганда қўлланилиши мумкин. Бошқа ҳолатларда ўз хоҳиши билан маълумот бериш жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қўлланилади. Жиноят ҳақида ўз хоҳиши билан ўз вақтида берилган хабар учун жиноий жавобгарликдан озод этиш институтлари Хорватия¹⁰ ва Руминия¹¹ қонунчилигида ҳам мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаранг: Македония ЖКнинг 96е-м., Черногориянинг номи келтириб ўтилган қонунининг 31-м., Руминия ЖКнинг 136f,145-м.м., Сербиянинг номи келтириган қонунининг 26-м.
2. Қаранг: Шартли жазо тайинлаш Македония Республикаси ва Словения қонунчилигида ҳам назарда тутилган. Македония ЖКнинг 961-м., Словениянинг юридик шахсларнинг жиноий хукуқбузарликлири учун жавобгарлиги тўғрисидаги Қонунининг 17-м.
3. Қаранг: Черногориянинг юридик шахсларни жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги Қонунининг 26-27-м.м.
4. Антикоррупцион тизимга аъзо давлатлардан Латвия, Черногория, Сербия ва Украинада ушбу ҳолат қўлланилади.
5. Қаранг: Алленс Артур Робинсон 2008, 68-71 –Б.
6. Қаранг: Алленс Артур Робинсон 2008, 43-46 –Б.
7. Қаранг: Алленс Артур Робинсон, 69-Б.
8. Қаранг: Коррупцияга қарши кураш бўйича Стамбул ҳаракат ресасининг Грузия бўйича учинчи мониторинги, 30-Б.
9. Италиянинг юридик шахсларнинг маъмурӣ жавобгарлиги тўғрисидаги июнь 2001 йилдаги Қонун декретининг 1-параграф 6-7 м.м.
10. Қаранг: Македония Республикаси ЖКнинг 96j-моддаси, Словениянинг юридик шахсларнинг жиноий хукуқбузарлик содир этганигини учун жавобгарлиги тўғрисидаги Қонун 11-м., Хорватиянинг юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги Қонуни 12-м.
11. Қаранг: Германия ЖПКнинг 153-154-d-моддалари.



Комил СИНДОРОВ,
Судьялар олий мактаби
директори ўринбосари,
юридик фанлар доктори

КАНАДА МИЛЛИЙ СУД ТИЗИМИ СУДЬЯЛАР ТАЙЁРЛАШ ТАЖРИБАСИ: ТАРИХ, ТАРАҚҚИЁТ ВА КЕЛАЖАК



Элдор КУРБОНОВ,
Судьялар олий мактаби
Ўқув-методик бўлими
етакчи мутахассиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан юргимизда илк бор судьяликка номзодларни тайёрлаш, судьялар ва суд аппарати ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида ташкил этилган давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси – Ўзбекистон Судьялар олий кенгashi ҳузуридағи Судьялар олий мактаби фаолиятининг асосий йўналишиларидан бири судьялар ва суд тизими ходимларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида илгор хорижий тажрибани ўрганиш, ривожланган демократик мамлакатларнинг шу соҳадаги муассасалари билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш бўлиб ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, Судьялар олий мактаби фаолиятида судьялар тайёрлашга ихтинослашган хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг июнь ойида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти кўмагида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгashi ва Судьялар олий мактабининг бир гурӯҳ малакали ходимлари Канада миллий суд институти фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Ҳамкорлик доирасида Канада суд тизимининг ҳуқуқий асослари ва амалиёти, судьяларни ўқитиш ва малакасини ошириш тизими хусусан, жаҳон миқёсida судьяларни ўқитиш борасида алоҳида нуфузга эга бўлган Канада миллий суд институти тажрибасини ўрганишга эътибор қаратилди.



СУДЬЯЛАР ТАЙЁРЛАШ ТАЖРИБАСИ

Канада суд тизимининг ҳуқуқий асосини 1867 йилда қабул қилинган Конституцияий акт ташкил этади.

Канада суд тизими Олий суд, федерал суд, солик суди, провинция судлари ва ҳарбий судлардан иборат. Канада Олий суди 1875 йилда ташкил қилинган бўлиб, мамлакатнинг энг юқори суд инстанцияси ҳисобланади ва одил судлов масалаларида энг охирги қарорни қабул қиласи. Ундан кейинги даражаларда федерал судлар ва Канада солик суди, ниҳоят провинция ҳамда худудларнинг умумий юрисдикция судлари фаолият юритади. Канада суд тизимининг ўзига хослиги шундаки, судлар барча тоифадаги ишларни кўриш ваколатига эга яъни, мамлакатда судлар эмас, балки судьялар ихтинослашувига кенг ўрин берилган.



Канаданинг судьялари муддатсиз даврга лавозимга тайинланади. Барча судьялар Бош Вазир тавсиясига кўра Генерал-губернатор томонидан тайинланади.

Қонун ҳужжатларида судьялик лавозими учун бир қатор талаблар белгиланган. Жумладан, судьяликка номзодлар 35 ёшга кирган, адвокатлар коллегиясининг аъзоси ҳамда 10 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши талаб қилинади. Судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши барча судьялар учун 75 ёшни ташкил этади. Шунингдек, Олий суд судьяси бўлиш учун номзод албатта, апелляция судида ишлаган бўлиши талаб этилади.


Канадада барча ишлар дастлаб провинция судларида кўриб чиқилади. Провинция судлари томонидан чиқарилган қарорлардан норози бўлган тарафлар апелляция тартибида апелляция судларига шикоят бериши мумкин. Апелляция судларининг қарорлари устидан эса Олий судга мурожаат қилиш тартиби белгиланган. Канада суд иш юритувининг ўзига хослиги шундаки, уларда кассация ва назорат инстититути мавжуд эмас.

Ишларни судда кўриб чиқиш муддатининг аниқ белгиланмаганлиги Канада судларида иш юритишнинг ўзига хос жиҳатларидан яна биридир. Судларда жиноят ишлари 30 ойгача кўрилиши мумкин.

Канада судьяларидан этика қоидалари га риоя қилишлари қатъий талаб этилади ва шу мақсадда 1998 йилда “Этика принциплари” қабул қилинган. Унда 5 муҳим этика принципи мустаҳкамланган. Булар - суднинг мустақиллиги, адолатлилик, тенглик, холислик ва тиришқоқлик тамойиллариdir.

Канадада алоҳида этика масалалари бўйича маслаҳат Кенгаши ўз фаолиятини олиб боради. Кенгаш аъзолари 13 кишини ташкил этиб, улар ҳар бир ҳудуд-провинцияларидан бир нафардан тайинланади. Кенгашнинг асосий вазифаси судьяларнинг касб этикаси қоидаларига амал қилиши, ахлоқи билан боғлиқ муаммолар юзасидан тегишли маслаҳат беришдан иборат. Уларнинг иши жамоатчилик асосида ташкил қилинади ва ҳеч бир тузилма таркибиغا кирмайди.

Айни пайтда аҳолиси 36 млн. киши бўлган Канадада фаолият олиб бораётган судьялар 2500 тани ташкил этади.





МИЛЛИЙ СУД ИНСТИТУТИ

Канада судьяларни ўқитиш ва малакасини ошириш тизими такомиллашган давлатлар сирасига киради.

Канада миллий суд институти Канадада судьяларни ўқитиша етакчилик қилиб келаётган мустақил, нотижорат ташкилоти ҳисобланади. Канада миллий суд институти 1988 йилда ташкил қилинган бўлиб, ўз фаолиятида турли хил ўқув дастурлари ва электрон ресурсларни ишлаб чиқиш орқали судьяларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини ривожлантириб келмоқда. Мазкур институт фақат судьялар малакасини ошириш фаолияти билан шугулланади.

Канада миллий суд институти энг юқори органи Бошқарув кенгаши ҳисобланаб, иккита бош директор ва иккита директор ўринbosари томонидан бошқарилади. Таълим жараёнлари институтнинг таълим департаменти томонидан ташкил этилади ва

унга таълим департаменти директори раҳбарлик қиласи.

Таълим департаменти таркибига таълим дастурлари бўйича масъул, дастурлар бўйича бош менеджер, ўқув дастурлари бўйича директор ёрдамчиси ва маслаҳатчилар киради. Мана шу масъул шахслар томонидан судьялар учун малака ошириш курсларининг ташкилий масалалари ҳал қилинади.

Институт томонидан малака ошириш курслари йилнинг январь-май ойларида, Канаданинг провинцияларида сайёр курслар шаклида ташкил қилинади. Малака ошириш курсларининг давомийлиги 3, 5 ва 10 кундан иборат.

Канада судьялари мажбурий тартибда ҳар йили бир марта 10 кунлик малака ошириш курсларида иштирок этадилар. З кунлик ва 5 кунлик малака ошириш курсларида эса ихтиёрийлик асосида, олдиндан курсларда иштирок этиш ҳақида маълум қилган ҳолда қатнашадилар.

Малака ошириш курслари институтнинг маҳсус ўқув дастурларини ташкил қилиш бўйича координаторлари томонидан ташкиллаштирилади. Ўқув дастурларини ташкил қилиш бўйича координаторлар юристлар орасидан жамоатчилик асосида ишга жалб қилинади. Канада юристлари учун судьялар малака ошириш курсларини ташкил қилиш ишларида иштирок этишлари уларга юксак обрў-эътибор қозонишга хизмат қиласи.

Канада миллий суд институтида судьяларни ўқитиш тизими учта устунга асосланади ва ўқув дастурларини шакллантиришда буларга асосий эътибор қаратилилади: моддий ҳукуқ (идентификация қилиш, таҳлил қилиш, далиллар, ишончлиликни баҳолаш, далилларнинг мақбул ёки мақбул эмаслиги, қарорлар қабул қилиш), судловни амалга ошириш (суд процесси, суд процессини бошқариш, тортишувчанлик), ижтимо-



ий контекст (социал-ижтимоий қадриятлар, этник қарашлар, социал тенглик ва бунда судьяларнинг роли ва ахлоқий кўрсаткичларини аниқлаш).

Шунингдек, Канада миллий суд институтида 2006 йилдан суд таълим мининг 20 та асосий принциплари жорий қилинган. Суд мустақиллиги судьяларни ўқитишнинг асоси эканлиги, судьяларни ўқитиш тизимининг институционал ва молиявий мустақиллиги, ўқув режалари ишлаб чиқишида миллий, худудий манфаатларнинг муштараклиги, судьяларни ўқитиш жараёнини судья бошқариши, яъни судьяларни судьялар ўқитиши лозимлиги ва бошқа принциплар Канада судьяларни ўқитиш жараёнининг асоси сифатида қабул қилинган.

Таълим жараёнларида тингловчиларга амалий кўнималар беришга асосий эътибор қаратилгани ҳолда дарсларда қисқа лекцияларлардан бошланиб амалий машгулотларга йўналтирилади. Амалий кўнималарни ривожлантириш, суд амалиётидаги муаммоларни ҳал қилиш ва тажриба алмашиш мақсадида кичик гурухларга бўлинган ҳолда дарслар олиб борилади, дарсларда видеоматериаллардан самарали фойдаланилади. Кичик гурухларга бўлинганда ҳам гурух тингловчилари орасидан олдиндан тайёргарликка эга бўлган етакчи судья-tinglovchi жойлаштирилади ва бу орқали дарс жараёнларида гурух фаоллиги таъминлаб



турилади. Бу эса дарс жараёнларининг интерфаол бўлишига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, таълим жараёнларига бундай принципларнинг татбиқ қилиниши ўз навбатида таълим самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Хусусан, судьяларнинг амалдаги судьялар томонидан ўқитилиши судлар фаолиятидаги хатоликларни бартараф қилиш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олишга ва бир хил суд амалиётини йўлга қўйиш ҳамда ўзаро тажриба алмашишга эришишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Канадада тренер-судьялар томонидан дарс машғулотларининг кўнгилли равища, жамоатчилик асосида олиб борилиши ҳам таълим жараёнларининг ўзига хос хусусиятга эга эканлигини англатади.

Канада тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда, Судьялар олий мактабида дарс жараёнлари “судьяларни амалдаги судьялар ўқитиши” принципи асосида ташкил қилиниши тингловчилар томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Канада таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларини жиддий ўрганиш ва Судьялар олий мактабининг келгусидаги дарс жараёнларига татбиқ этиш мамлакатимизда ҳар томонлама юксак малакага эга бўлган судьялар ва суд аппарати ходимларини тайёрлашда ўзининг ижобий самарасини беради деб ҳисоблаймиз.





Акмал МУРОДОВ,
Олий суд судьяси

ФАРЗАНД ТАЪМИНОТИДАН СОҚИТ БЎЛЛАМАЙДИ

Сўнгги йилларда мамлакатда ижтимоий етимликнинг олдини олиш, аҳоли ва ёшлар орасида соглом оила қуришга масъулият билан ёндашишини тарғиб этиш, оиласи қадриятларга маънавий-ахлоқий муносабатни шакллантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Кўрилган чора-тадбирлар тарбия муассасалари ва уларда тарбияланаётган етим болалар ва ота-онасининг қарамогидан маҳрум бўлган болалар сонини сезиларли равишда камайтиришга ёрдам берди. Шунга қарамасдан ҳозирги кунга қадар қандайдир моддий етишмовчиликни рўкач қилган ҳолда ота-оналар томонидан ўзларининг болаларини Мехрибонлик уйларига жойлаштириш ҳолатлари давом этиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 октябрдаги 230-сонли Қарори билан тасдиқланган “Мехрибонлик уйи тўғрисида”ги Низомнинг 2-бандига кўра, Мехрибонлик уйи – етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун давлат тарбия муассасасидир.

Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги кунда меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларнинг ҳаммаси ҳам чин етим ёки ота-онасининг қаровисиз қолган болалар эмас.

Жорий йилда Олий суд томонидан аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсадида Республиканинг барча вилоятларида жойлашган Мехрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларнинг ота-оналари, бобо-буви ва яқин қариндошлари ўртасида тарғибот ишлари олиб борилганда, болалар уйида тарбияланаётган болаларнинг 80 фоизидан ортигининг ота-онаси борлигига гувоҳ бўлганмиз.

Биргина Қашқадарё вилояти Қамаши туманида жойлашган 4-сонли Мехрибонлик уйини оладиган бўлсак, унда тарбияланаётган 108 та тарбияланувчилардан фақатгина 15 таси чин етим бўлиб, 84 тасининг ота-онаси, 9 тасининг бобо-бувилари борлиги аниқланди.

Мехрибонлик уйидаги шароитлар билан танишганда, давлатимиз томонидан у ерда тарбияланаётган болалар учун барча шароитлар, ҳаттоқи баъзи оиласарда мавжуд бўлмаган ша-

роитлар яратиб берилганлигини кўрдик. Лекин бундай зўр шароитда тарбияланаётган болалар билан сухбатлашганда, улар, албатта, бундай шароитни яратиб бераётган юртбошимиз ҳамда давлатимиздан жуда миннатдор бўлсалар-да, бу шароитлар уларга ота-онаси берадиган меҳни беролмаслигини, улар бир умр ота-онасини кутиб яшаётганлигини, қанақа шароит бўлишидан қатъи назар ўз уйида, ота-онасининг бағрида яшашни хоҳлашларини айтганлари ҳар бир инсоннинг бағрини тилка-пора қилмасдан қўймайди.

Сўнгги пушаймон — ўзингга душман, деганларидек, суд амалиётида учраган бир мисолга тўхталиб ўтмоқчиман.

Даъвогар Навоий шаҳар ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими Васийлик ва ҳомийлик органи вояга етмаган Комил Рустамовнинг (исм-фамилияси ўзгартирилган) манфаати учун судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, унинг ота-онаси Салим Рустамов ва Салима Рустамваларни ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўраган.

Аниқланишича, Салим ва Салима қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган бўлиб, уларнинг қарамогида беш нафар фарзанди, шу жумладан, 2004 йил 21 июнда туғилган Комил Рустамов ҳам бор. Жавобгарлар Васийлик ва ҳомийлик органига ариза билан мурожаат қилиб, уларнинг оиласи шароитлари оғир бўлганлиги сабабли 2004 йил 21 июнда туғилган Комилдан воз кечишларини ва болани “Мехрибонлик уйи”га жойлаштиришни сўраганлар. Навоий шаҳар ҳокимининг 2013 йил 4 июлдаги 393-Қ-сонли қарорига асосан жавобгарларнинг ушбу аризалари қаноатлантирилиб, Комил Навоий шаҳар “Мехрибонлик уйи”га жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 октябрдаги 230-сонли

Қарори билан тасдиқланган “Мехрибонлик уйи тўғрисида”ги Низомнинг 13-бандига кўра, Мехрибонлик уйига кам таъминланган, кўп болали оиласаларниң болалари, фақат отаси ёки онаси бор бўлган болалар ушбу оиласаларни бир йилгача муддатда ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида вақтинчалик қабул қилинади.

Судда эр-хотин Рустамовлар иштирок этган бўлиб, уларга мазкур Низом талабига асосан болалари фақатгина бир йил муддатга Мехрибонлик уйига жойлаштирилганлиги, улар боласини олиб кетиши ва ўзлари тарбиялаши, болага ота-оналиқ меҳри зарурлиги, агар бола олиб кетилмаса Оила Кодексининг 79-моддаси талабидан келиб чиқкан ҳолда улар ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилинишини ва улардан боласининг таъминоти учун алимент ундирилиши маълум қилинган бўлишига қарамасдан, улар моддий етишмовчилик сабабли Комилдан воз кечишиларни ва ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилишгарози эканликларини билдирганлар.

Шу сабабли суд томонидан иш қонуний тартибда кўрилиб, ҳал қилув қарори қабул қилинган ва эр-хотин Рустамовларни вояга етмаган Комилга нисбатан ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиб, улардан Комилнинг фойдасига алимент ундириш ва алиментни вояга етмаган Комилнинг номига очилган банк ҳисоб варагида жамлаб бориш белгиланган.

Ушбу суд қарорига асосан Рустамовларнинг ҳар биридан алимент ундирилиши уларга алам қилганидан ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум этилган ва болалари давлат қарамогида бўлса, нима сабабдан алимент тўлаши кераклигига изоҳ талаб қилиб, суд қароридан норози бўлиб шикоят этганлар.

Вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Сабаби, болани моддий томондан таъминлаш ота-онанинг мажбурияти бўлиб, Оила Кодексининг 81-моддасига мувофик ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани ўз боласига нисбатан таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Орадан маълум вакт ўтиб, суд учун ҳам жумбок бўлиб қолган, нима сабабдан ота-она очиқ-часига моддий ахволни рўяқач қилган ҳолда ўз жигарбандидан воз кечиши мумкинлиги ҳақидаги эр-хотин Рустамовларнинг сирлари ошкор бўлади ва улар қилган хатоларини тушуниб етганикларини, ота-оналиқ ҳуқуқларини тиклаб, болаларини уларга қайтариб беришни сўраб мурожаат қиладилар.

Аниқланишича, эр-хотин Рустамовлар Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларига бериладиган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда Комилни Мехрибонлик уйига жойлаштириш орқали маҳсус ҳарбий мактабга ўқишига киритадилар.



Ҳарбий мактабнинг фаолияти бўйича маҳсус репортаж олиш жараёнида, мактабда ўқиётган турли хил қобилиятларга эга бўлган Комил журналистларнинг эътиборини ўзига жалб қилади. Шунда журналистлар шундай қобилиятли болани дунёга келтирган ва тарбиялаётган ота-онага миннатдорчилик билдириш мақсадида Комилдан интервью оладилар ва ундан ота-онаси ҳақида сўрайдилар. Шунда Комил, кўзига ёш олиб, унинг ота-онаси тирик бўлса-да, лекин у “Мехрибонлик уйи” тарбияланувчиси эканлигини, ота-онасининг қайтиб келишини кутиб яшаётганлигини маълум қилади.

Ўз навбатида ушбу репортаж телевидение орқали эфирга узатилгандан сўнг уни эр-хотин Рустамовларнинг яқин қариндошлари ва қўни-қўшиллари кўриб, ота-онасининг меҳрини соғиниб яшаётган Комил билан бирга кўзлари ёшга тўлади ва улар эр-хотин Рустамовларни тергай бошлияди.

Шундагина улар қилган хатоларини тушуниб етадилар ва суддан фарзандларини қайтариб олишга ёрдам беришни сўрашади. Кеч бўлса ҳам, Рустамовларнинг қилган хатоларини тушуниб етганилгидан, Оллоҳ уларнинг қалбига ота-оналиқ меҳрини қайта уйғотганидан хурсандмиз. Лекин шунгача уларнинг ўз жигарбандига нисбатан қилган бундай ишларини, вояга етмаган боланинг бошидан кечирган маънавий азобларини қандай изоҳлашимиз ва кечиришимиз мумкин бўлади?

Бу суд амалиётида учраган биргина мисолдир. Минг афсуслар бўлсинки, бундай мисолларни юзлаб келтиришимиз мумкин. Наҳотки қандайдир имтиёз ёки моддий етишмовчиликни баҳона қилиб, инсон ўз боласидан воз кечиши ва уни қийноқларга дучор қилиши мумкин?!

Болаларини асосиз равища Мехрибонлик уйига жойлаштираётган ота-оналардан ўз болаларига нисбатан меҳрли бўлишларини истаб қолар эдик. Чунки болаларимиз бизнинг ва давлатимизнинг буюк келажагини барпо этувчилаидир.



Анвар ҲАМИДОВ,
Судьялар олий мактаби
“Маъмурий ҳуқук”
кафедраси ўқитувчиси

МАЪМУРИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД ҚАРОРЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ ТАРТИБИ

2018 йил 30 январдаги Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиши ва қўшимчалар киритиши, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ХХIV-1 боб Маъмурий суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарорини қайта кўриш бўйича иш юритиши деб номланган янги боб киритилди. Унга мувофиқ Маъмурий суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарорини қайта кўриш бўйича кассация ва назорат инстанцияси судида иш юритиши белгиланди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича ўзига нисбатан суднинг қарори чиқарилган шахс, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, адвокат, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган орган биринчи инстанция суднинг қарори устидан кассация шикояти беришга, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан шикоят (протест) иш билан бирга уч сутка ичida юқори турувчи судга юборилиши лозим.

Суднинг маъмурий қамоқца олиш ёки маъмурий тартибда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарори устидан шикоят (протест) юқори турувчи судга шикоят (протест) олинган куни юборилиши лозим. Шикоят (протест) қарорни чиқарган маъмурий судга берилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари маъмурий судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш натижалари юзасидан биринчи инстанция бўйича чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги ва асослантирилганлигини кассация тартибида текширади.

Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан кассация шикояти (протести) суд қарорининг кўчирма нусхаси топширилган ёки олинган кундан эътиборан бир ой ичida берилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмida назарда тутилган муддат ўтказиб юборилган тақдирда, кассация шикояти (протести) берувчи шахснинг илтимосномасига кўра қарорни чиқарган суд, агар муддатнинг ўтказиб юборилганлиги сабабларини узрли деб топса, ўтказиб юборилган муддатни тиклашга ҳақли бўлиб, бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарори устидан кассация тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномани рад қилиш тўғрисида ажрим чиқарилади, унинг устидан хусусий шикоят (хусусий протест) берилиши мумкин.

Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан берилган кассация шикояти (протести) у шикоятни (протестни) кўриб чиқишига ваколатли судга ишнинг барча материаллари билан келиб тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўрилиши лозим.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 512, 513, 514, 515, 516, 517, 518, 519-моддаларида назарда тутилган суднинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича қарори устидан берилган кассация шикоятлари (протестлари) шикоятни (протестни) кўриб чиқишига ваколатли судга барча материаллар билан келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда кўрилиши лозим.

Суднинг маъмурий қамоққа олиш ёки маъмурий тартибда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарори устидан берилган кассация шикояти (протести), агар маъмурий жавобгарликка тортилган шахс маъмурий қамоқни ўтаётган ёки маъмурий тартибда чиқариб юборилиши лозим бўлса, шикоят (протест) берилган пайтдан эътиборан бир сутка ичida кўрилиши керак.

Ишда иштирок этувчи шахслар кассация шикояти (протести) кўриладиган вақт ва жой ҳақида суд чақирув қоғозлари, телефонограммалар, телеграммалар ва хабардор қилингандиги факти қайд этилишини тъминлайдиган бошқа алоқа воситалари орқали хабардор қилинади.

Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан берилган кассация шикояти (протести) кассация инстанцияси судининг судьяси томонидан якка тартибда кўрилади.

Кассация инстанцияси суди маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни суд мажлисида ушбу параграфда белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг ХХIII бобида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш қоидаларига биноан кўриб чиқади.

Суд кассация шикоятининг (протести) вожлари билан чегараланмай, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материалларини тўлиқ ҳажмда текширади.

Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан кассация шикоятини (протести) кўриб чиқиш натижаларига кўра кассация инстанцияси суди Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 321-моддасида назарда тутилган ҳал қилув қарорларидан бирини чиқаради.

Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан берилган шикоят (протест) юзасидан кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори қарор шаклида чиқарилади ва чиқарилган пайтдан эътиборан кучга киради.

Кассация инстанцияси судининг қарори чиқарилганидан кейин дарҳол ўқиб эшиттирилади.

Кассация инстанцияси суди қарорининг кўчирма нусхаси чиқарилганидан кейин уч суткагача бўлган муддатда ўзига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор чиқарилган шахсга, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида баённома тузган органга, шунингдек жабрланувчига унинг сўровига биноан топширилади ёки юборилади.



Суднинг маъмурий қамоққа олиш ёки маъмурий тартибда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарори устидан берилган кассация шикоятини (протести) кўриб чиқиш натижалари юзасидан чиқарилган қарор қабул қилинган куни у қарорни ижро этувчи органнинг, мансабдор шахснинг, шунингдек ўзига нисбатан қарор қабул қилинган шахснинг ва жабрланувчининг эътиборига етказилади.

Кассация инстанцияси судларининг қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ишни назорат тартибида кўриш натижалари юзасидан чиқарилган қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатига протест келтирилиши мумкин.

Назорат тартибидаги ишлар:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан — кассация инстанцияси судининг суд ҳужжатлари устидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати томонидан — Ўзбекистон Республикаси Олий суди маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ишни назорат тартибида кўриши натижалари юзасидан чиқарган қарори устидан кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари маъмурӣ ҳукуқбузарлик тӯғрисидаги ишни назорат тартибида кўриб чиқиш учун асослар мавжудлиги тӯғрисидаги масалани ҳал қилиш учун ишни тегишли маъмурӣ суддан талаб қилиб олишга ҳақли.

Назорат шикояти (протести) Ўзбекистон Республикаси Олий судига берилади.

Маъмурӣ жавобгарлик тӯғрисидаги кодекснинг 324⁹-моддасида кўрсатилган суд ҳужжатлари устидан назорат шикояти (протести) улар чиқарилган кундан эътиборан олти ой ичida берилиши мумкин.

Назорат шикоятида (протестида) қуидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- назорат шикояти (протести) берилётган суднинг номи;
- шикоят (протест) берилётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), унинг турган жойи (почта манзили) ёки яшаши жойи ва ишдаги процессуал ҳолати;
- ишни биринчи, кассация инстанцияси бўйича кўрган маъмурӣ судлар ва улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг мазмuni;
- устидан шикоят қилинаётган (протест келтирилаётган) суд ҳужжати;
- суд ҳужжатини назорат тартибида қайта кўриш учун асослар, бундай асосларнинг мавжудлиги тӯғрисида гувоҳлик берувчи важларни келтирган ҳолда;
- шикоят (протест) берилётган шахснинг илтимоси.



Назорат шикояти шикоят берилётган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланиши керак. Вакил томонидан берилган шикоятга ишончнома ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилинади. Протест Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари томонидан имзоланади.

Назорат шикоятига (протестига) иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларининг кўчирма нусхалари ва шикоятнинг (протестнинг) кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилганинг тасдиқловчи далил илова қилинади.

Назорат шикояти Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси томонидан ўрганилади.

Судья назорат шикоятини шикоятга илова қилинган материаллар бўйича ёки талаб қилиб олинган иш материаллари бўйича ўрганади.

Назорат шикоятини ўрганиш натижалари бўйича судья шикоят келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктиրмай, иш талаб қилиб олинган тақдирда эса иш Ўзбекистон Республикаси Олий судига келиб тушган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирилмай:

- назорат шикоятини Маъмурӣ жавобгарлик тӯғрисидаги кодекснинг 324¹⁵-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра қайтариши тӯғрисида;
- назорат шикоятини қабул қилишини Маъмурӣ жавобгарлик тӯғрисидаги кодекснинг 324¹⁶-моддасида назарда тутилган асосларга кўра рад этиши ҳақида;
- агар суд ҳужжатларини назорат тартибида текшириши учун асослар мавжуд бўлмаса, назорат шикоятини кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурӣ ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиши тӯғрисида ажрим чиқаради. Бунда назорат шикояти, шунингдек устидан шикоят қилинган суд ҳужжатларининг кўчирма нусхалари назорат инстанцияси судида қолади;
- назорат шикоятини кўриб чиқиши учун иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурӣ ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тӯғрисида ажрим чиқаради.

Ажримнинг кўчирма нусхаси назорат шикоятини берган шахсга ва ишда ишти-

рок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинган буюртма хат орқали ажрим чиқарилган кундан кейинги кундан кечиктирмай юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси назорат шикоятини қўйидаги ҳолларда қайтаради, агар:

► назорат шикояти Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 324¹³-моддасида назарда тутупланган талабларга жавоб бермаса;

► назорат шикоятини қайташиб тўғрисида ариза келиб тушган бўлса.

Шикоят берган шахс ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганидан сўнг янгидан умумий тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси назорат шикоятини қабул қилини қўйидаги ҳолларда рад этади, агар:

► назорат шикояти назорат инстанцияси судига мурожаат қилиш хукуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;

► назорат шикояти белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса;

► назорат шикояти қонунга мувофиқ назорат тартибида шикоят қилиниши мумкин бўлмаган суд хужжати устидан берилган бўлса;

► назорат шикояти кассация тартибида кўриб чиқилмаган суд хужжати устидан берилган бўлса;

► назорат шикояти назорат тартибида кўриб чиқилган суд хужжати устидан берилган бўлса.

Назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ажримида қўйидагилар кўрсатилиши керак:

► ажрим чиқарилган сана ва жой;

► ажрим чиқарган судьянинг фамилияси, исми, отасининг исми;

► назорат шикоятини берган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

► устидан шикоят қилинаётган суд хужжатлари;

► суд хужжатлари қабул қилинган иш мазмунининг қисқача баёни;

► назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқиладиган жой ва сана.

► назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этишининг қисқача сабаблари.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринbosари назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш тўғрисидаги судьянинг ажримида қўшилмасликка ҳамда назорат шикоятини берган шахснинг аризаси асосида уни бекор қилиш ва назорат шикоятини иш билан бирга кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақли.

Назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ажрими бекор қилиш ҳақидаги ариза суд хужжати устидан назорат тартибида шикоят қилиш учун белгиланган муддат доирасида берилиши мумкин.

Назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисидаги ажримида қўйидагилар кўрсатилиши керак:

► ажрим чиқарилган сана ва жой;

► ажрим чиқарган судьянинг фамилияси, исми, отасининг исми;

► назорат шикоятини берган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

► устидан шикоят қилинаётган суд хужжатлари;

► суд хужжатлари қабул қилинган иш мазмунининг қисқача баёни;

► назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш асосларининг баёни;

► иш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқиладиган жой ва сана.

Судья назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир вақтда, низолашилаётган

суд ҳужжатининг ижросини шикоят берган шахснинг илтимосномасига кўра назорат тартибида иш юритиш тугагунига қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

Судья назорат шикоятини ва ишни ўзи чиқарган ажрим билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурый ишлар бўйича судлов ҳайъатида ишни назорат тартибида назарда тутилган тартибда хабардор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурый ишлар бўйича судлов ҳайъатининг Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ва улар ўринбосарларининг протестини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримида протест юзасидан ишни назорат тартибида кўриб чиқиш жойи ва санаси кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки улар ўринбосарларининг протести бўйича иш ушбу Кодекснинг 324²¹-моддасида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг котиби протестни иш билан бирга олганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг мажлиси ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида хабар қиласди.

Назорат шикояти (протест) берган шахс, шунингдек ишда иштирок этувчи шахслар

ишни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўриш вақти ва жойи тўғрисида Маъмурый жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 324⁵-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилинади.

Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни назорат тартибида кўриб чиқишига тўқсинглик қилмайди.

Иш Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатида назорат тартибида кўриб чиқиляётганда ишда иштирок этувчи шахслар тушунтиришлар бериш учун чақиртирилиши мумкин. Бу ҳолда уларга Маъмурый жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 324⁵-моддасида назарда тутилган тартибда назорат инстанцияси суди мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабарнома юборилади. Уларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқишига тўқсинглик қилмайди.

Иш назорат шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида суднинг ажрими чиқарилган ёки протест Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг котибиятига келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай назорат тартибида кўрилади.

Иш назорат тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурый ишлар бўйича судлов ҳайъатида, назорат шикоятини берган шахс, шунингдек ишда иштирок этувчи шахслар ва (ёки) уларнинг вакиллари иштирок этиши мумкин бўлган суд мажлисида назорат тартибида кўрилади.

Иш назорат тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий суди судъясининг маъруzasи бўйича кўрилади, судья иш ҳолатларини, иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларининг мазмунини, назорат шикоятида (протестида) келтирилган важларни баён этади.

Суд мажлисига келган ишда иштирок этувчи шахслар иш бўйича тушунтиришлар беришга ҳақли. Назорат шикоятини берган шахс биринчи бўлиб тушунтириш беради, агар иш прокурорнинг протести бўйича кўрилаётган бўлса, биринчи бўлиб прокурор сўзга чиқади.

Иш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати томонидан назорат тартибида кўрилаётганда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари иштирок этиб, иш бўйича ўз фикрини баён қиласди.

Иш назорат тартибида кўрилаётганда барча масалалар ишни кўриб чиқишида иштирок этаётган судъяларнинг кўпчилик овози билан ҳал қилинади.

Шубҳа ҳақиқатга олиб борувчи йўлдири. Ким шубҳаланмас экан, ҳеч нарсани кўра олмайди. Кўришидан маҳрум одам эса тушунолмайди. Тушунишидан маҳрум кимса мисоли сўқир каби йўлдан адашади.

Абу Ҳомид ФАЗЗОЛИЙ

Ишни назорат тартибида кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинади.

Қарорнинг кўчирма нусхалари назорат шикоятини (протестини) берган шахсга ва ишда иштирок этувчи шахсларга Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 324²⁴-моддасида назарда тутилган тартибида юборилади.

Назорат шикоятини берган шахс суд мажлиси бошлангунига қадар уни тўлдиришга, ўзgartаришга ёки ундан воз кечишга ҳақли.

Протест келтирган мансабдор шахс суд мажлиси бошлангунига қадар протестни тўлдиришга, ўзgartаришга ёки чақириб олишга ҳақли.

Назорат шикоятидан воз кечиш қабул қилинганлиги тўғрисида ва протест чақириб олинганда, агар суд ҳужжати устидан бошқа шахслар томонидан шикоят қилинмаган бўлса, назорат инстанцияси суди назорат ишини юритишни тугатиш ҳақида ажрим чиқаради.

Назорат инстанцияси суди ишни назорат тартибида кўриб чиққач қўйидагиларга ҳақли:

- ▶ суд ҳужжатини ўзгаришиз, назорат шикоятини (протестини) эса қаноатлантирумасдан қолдиришга;
- ▶ ушбу Кодекснинг 324²⁴-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда суд ҳужжатини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга;
- ▶ суд ҳужжатини ўзgartаришига ёки бекор қилишга ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун юбормасдан янги қарор қабул қилишга;
- ▶ суд ҳужжатини бекор қилишга ва иш юритишни тўхтатишга;
- ▶ жазо чорасини кучайтирумаган холда уни маъмурӣ ҳукукбузарлик учун жавобгарлик тўврисидаги қонун ҳужжатида назарда тутилган доирада ўзgartаришга;
- ▶ иш бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга.

Суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асослантирилмаганилиги суд ҳужжатини назорат тартибида ўзgartариш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Суднинг мазмунан тўғри бўлган ҳужжати фақат биргина юзаки асослар бўйича бекор қилиниши мумкин эмас.

Назорат инстанцияси судининг қарорида қўйидагилар кўрсатилиши керак:

- ▶ қарор қабул қилган суднинг номи ва таркиби;
- ▶ қарор қабул қилинган сана ва жой;
- ▶ қарор қабул қилинган иш;
- ▶ назорат шикоятини (протестини) берган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);
- ▶ устидан шикоят қилинаётган суд ҳужжатларининг мазмуни;
- ▶ назорат шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича суд хуносалари;
- ▶ назорат инстанцияси суди қайси сабабларга кўра ўз хуносаларига келган бўлса, ўша сабаблар ва ўзи амал қилган қонунларга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига ҳавола.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурӣ ишлар бўйича судлов ҳайъатининг қарори суднинг бутун таркиби томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори Раёсат мажлисида раислик қилувчи томонидан имзоланади.

Назорат инстанцияси судининг қарори у қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Назорат инстанцияси судининг қарорида баён этилган кўрсатмалари мазкур ишни янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир.

Назорат инстанцияси суди қарорда аниқланмаган ёки рад этилган ҳолатларни аниқлашга ёхуд исботланган деб ҳисоблашга, у ёки бу далилнинг бошқаларидан устунлиги, ишни янгидан кўришда қайси суд ҳужжати қабул қилиниши кераклиги тўғрисидаги масалаларни олдиндан ҳал этишга ҳақли эмас.





Даврон
ЭШМУРОДОВ,
Самарқанд шаҳар
иқтисодий суди раиси



Навбаҳор
ТУРСУНОВА,
Самарқанд шаҳар
иқтисодий суди судъя
ёрдамчisi

БАНКРОТЛИК ИШЛАРИНИИ СУДДА КҮРИШ

Банкротлик тўғрисидаги ишни юритишни қўзгатишнинг шарти талаблар суммасига амал қилиш ҳисобланади, яъни қарздор юридик шахсга нисбатан – жами талаблар энг кам иш ҳақи миқдорининг камида беш юз баробарини, қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсларга нисбатан – камида ўттиз каррасини ташкил этадиган бўлса, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида қарздорнинг пул мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишили мажбуриятлар ёки тўловлар мажбурият юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилиши белгиланган.

Жумладан, қарздорни банкротликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб топиш (тугатилаётган ёки ҳозир бўлмаган қарздор) ҳақида тўхтадидиган бўлсақ, аризани қабул қилишда кредиторлик қарзларининг миқдори аҳамиятга эга эмаслиги, Қонуннинг 185-моддасига кўра, агар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширганлиги ва ўз устав фондини шакллантирганлиги муносабати билан тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилинган юридик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, бундай юридик шахс қонунда назарда тутилган тартибда тугатилиши, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, тугатиш комиссияси тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан иқтисодий судга ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишили чораларни кўриши учун давлат солиқ хизмати органларига мурожаат этиши шартлиги назарда тутилган.

Банкротликнинг соддалаштирилган таомилида иқтисодий суд тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга

доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиб, тугатиш бошқарувчисини тайинлайди. Тугатилаётган юридик шахснинг банкротлигига кузатув, суд санацияси ва ташки бошқарув таомиллари қўлланилмайди. Кредиторлар тугатилаётган юридик шахсга бўлган ўз талабларини тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги эълон чиқарилган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичидан унга тақдим этишга ҳақли.

Банкротлик тўғрисидаги қонуннинг 185-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган талабларнинг бузилганлиги юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига юридик шахс тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритишни рад этиш учун асос бўлади. Ушбу Қонун 185-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган талаблар бузилишига йўл қўйган тугатиш комиссиясининг раиси ёки тугатувчи тугатилаётган юридик шахснинг пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлари юзасидан қондирилмаган талаблар бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

Ўз фаолиятини тугатган қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки мақомини йўқотган жисмоний шахс ёки тугатилаётган юри-



дик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг турган жойини (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан қатъи назар, кредитор, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли орган, шунингдек прокурор томонидан берилиши мумкин.

Иқтисодий суд ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризани ўз иш юритувига қабул қилиб олган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичida қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Иқтисодий суднинг қарори банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига юборилади, бу орган мазкур қарорни олган кундан эътиборан бир ҳафталик муддат ичida иқтисодий судга тугатиш бошқарувчилигига номзод тақдим этади. Иқтисодий суд тугатиш бошқарувчисини банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ходимлари орасидан тайинлаши мумкин.

Тугатиш бошқарувчиси ўзи аниқлаган барча кредиторларни ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қиласди, улар бу хабарни олган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичida тугатиш бошқарувчисига ўз талабларини тақдим этишлари мумкин. Тугатиш бошқарувчиси ҳозир бўлмаган қарздорнинг мол-мулкини аниқлаган тақдирда иқтисодий суд мазкур бошқарувчининг илтимосномасига биноан банкротликнинг

соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ҳамда банкротликнинг "Банкротлик тўғрисида"ги Қонунда назарда тутилган умумий таомилларига ўтиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги "Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айrim масалалари ҳақида"ги қарорининг 35-бандига кўра, қарздорнинг ҳозир бўлмаганлиги сифатида нафакат унинг раҳбари йўқлиги, балки хўжалик юритувчи субъект мол-мулкининг йўқлигини ҳам тушуниш лозим. Бу ҳол қарздор — юридик шахс турган жойи (почта манзили) бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарыш органи, уй-жой мулқорларининг ширкати, турар жой ёки одам яшамайдиган жойнинг мулқдори вакиллари ва (ёки) суд бошқарувчиси иштирокида тузилган далолатнома ёхуд қарздорнинг мол-мулки мавжуд эмаслиги сабабли ижро ҳужжатини ижросиз қайтариш тўғрисидаги давлат ижроининг қарори билан тасдиqlаниши мумкинлиги тўғрисида тушунириш берилган.

Самарқанд шаҳар иқтисодий судига 2018 йилнинг 31 декабрь кунига қадар жами 130 та банкрот деб топиш тўғрисида ариза келиб тушган. Шундан 95 та иш мазмунан кўриб чиқиб ҳал қилинган, 93 та иш бўйича банкротлик эътироф этилган, 2 та иш кўрмасдан қолдирилган.

Самарқанд шаҳар иқтисодий суди томонидан "банкротлик ишларини кўрища" "Банкротлик тўғрисида"ги Қонун талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий

суди Пленумининг тушунтиришларига амал қилинмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳар иқтисодий судига Самарқанд шаҳар Давлат солиқ инспекцияси “SAMARQAND BIZNES LIDER” МЧЖнинг бюджет ва бюджетдан ташқари бошқа мажбурий тўловлардан жами 2827498700 сўм солиқ қарздорлиги мавжудлиги, корхонанинг мол-мулки йўқлиги, ҳисоб-рақамида пул маблағлари йўқлиги, фирманинг бюджет ва бошқа мажбурий тўловлар олдиаги қарзларини ундириш имконияти йўқлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Конунинг асосан қарздорни “банкрот” деб топишни сўраган. Аризачининг аризаси Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг 2018 йил 10 майдаги ажрими билан иш юритишга қабул қилинган. Ишдаги ҳужжатлардан аниқланишича, Самарқанд вилоят иқтисодий судининг суд ҳужжати билан “SAMARQAND BIZNES LIDER” МЧЖ мол-мулки ҳисобидан бюджетга солиқ қарзи ундириш белгиланган. Мажбурий ижро бюроси Самарқанд шаҳар бўлими ижроочи-лари томонидан, Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Конунинг 40-41,86-моддаларига асосан, қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари аниқланмаганлиги кўрсатилган ҳолда Давлат ижро-чисининг қарори билан вилоят иқтисодий судининг суд ҳужжати билан “SAMARQAND BIZNES LIDER” МЧЖ мол-мулки ҳисобидан бюджетга солиқ қарзи ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати ижросиз Давлат со-

лик органига қайтарилган. Ер Ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитасининг маълумот хати асосида “SAMARQAND BIZNES LIDER” МЧЖга тегишли кўчмас мол-мулклар мавжуд эмаслиги кўрсатилган. Самарқанд шаҳар ДСИнинг 2018 йил 2 майдаги солиштирма далолатномасида “SAMARQAND BIZNES LIDER” МЧЖнинг жами солиқ қарзи 2827498700 сўмни ташкил этиши ҳамда банк маълумотномасида “SAMARQAND BIZNES LIDER” МЧЖнинг ҳисоб рақамига инкасса топшириқномалари қўйилганлиги тасдиқланган. Суднинг 2018 йил 24 майдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилиб, “SAMARQAND BIZNES LIDER” МЧЖ “банкрот” деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган ва тугатиш бошқарувчиси тайинланган. Суднинг ҳал қилув қарори билан тугатиш бошқарувчисига тугатишга доир иш юритишни бошлаш, уни ташкил этиш, расмий нашрда эълон бериш ва ҳар ойда судга қилинган ишлар юзасидан далиллар билан бирга оралиқ ҳисобот тақдим этиш ҳамда уч ой муддатда судга тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги тўғрисида якуний ҳисобот тақдим этиш вазифаси юклатилган. 2018 йил 25 августда тугатиш бошқарувчи-си томонидан судга тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги тўғрисида якуний ҳисобот тақдим этилган. Суднинг 2018 йил 10 сентябрдаги ажрими билан тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган якуний ҳисобот тасдиқланиб, “SAMARQAND BIZNES LIDER” МЧЖни тугатишга доир иш юритиш тамомланган ва 2018 йил 19 сентябрда-ги Самарқанд шаҳар Давлат хизматлари марказининг 141-к-сонли қарори билан “SAMARQAND BIZNES LIDER” МЧЖ давлат реестридан чиқарилган.

Суд соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар билан бир қаторда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш борасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, қонун талаблари доирасида фаолият кўрсатишлари ҳамда уларга берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланишлари учун мажбуриятлар юклатилган. Давлатимиз томонидан тад-биркорлик субъектларининг ташкил этилиши, фаолият юритиши ва уларнинг банкротлик ҳолатига келиб қолиши ҳолатларини ўз ичига олувчи фармонлар ҳамда қарорлар қабул қилинмоқда. Жумладан, банкротлик ишларини кўришда келиб чиқадиган муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш, банкротлик таомилларини янада содда-





лаштириш, суд бошқарувчилари фаолиятини такомиллаштириш, халқаро рейтингларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш ҳамда 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралда “Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4146-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда 2019 йил 1 июлдан давлат солиқ хизмати органлари солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш имконияти бўлмаганлиги сабабли ижро ҳужжатлари қайтарилган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмасдан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши, банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар суммаси энг кам иш ҳақи миқдорининг камидан уч юз каррасини ташкил этадиган бўлса, қарздор якка тартиbdагi тадбиркорга ёки якка тартиbdагi тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсга нисбатан эса энг кам иш ҳақи миқдорининг камидан йигирма каррасини ташкил этадиган бўлса, суд томонидан қўзғатилиши, тугатишга доир иш юритиш муддати тўққиз ойдан ошмаслиги, алоҳида ҳолларда ушбу муддат банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларнинг илтимосномасига асосан суд қарори билан уч ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши, бенефициар ва аффилланган шахсларнинг

биргаликдаги хатти-ҳаракатлари оқибатида соxта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари аниқланганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳукми мазкур шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда субсидиар жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши, банкротлик таомиллари қўлланилган қарздорларнинг мол-мулки суд бошқарувчилари томонидан «E-IJRO AUCTION» ягона электрон савдо майдон-часида электрон онлайн-аукцион орқали сотилиши, 2019 йил 1 мартаң Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райхон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабида суд бошқарувчиси атtestатини олишга талабгорларни маҳsus дастур бўйича шартнома асосида ўқитиш, тегишли тоифадаги суд бошқарувчиси атtestатини олиш учун асос бўладиган ўқиши тутатганлик тўғрисидаги гувоҳномани бериш, суд бошқарувчиларининг касбий даражаси ва малакасини ошириш каби маҳsus курслар ташкил этилиши, 2019 йил 1 майдан давлат солиқ хизмати органларининг аризалари бўйича қўзғатилган банкротликнинг соддалаштирилган таомилларини ўтказишида суд бошқарувчilarини давлат солиқ хизмати органлари ходимлари орасидан тайинлаш амалиёти бекор қилиниши, давлат солиқ хизмати органларининг аризалари бўйича қўзғатилган банкротликнинг соддалаштирилган таомилларини ўтказишида тўртинчи тоифали суд бошқарувчиси атtestатига эга бўлган ва Ўзбекистон суд бошқарувчилари асоциацияси аъзолари ҳисобланган шахслар суд бошқарувчиси этиб тайинланиши, қарздор турган жойдаги туман (шаҳар) солиқ инспекциясининг қарорига асосан, ҳар

бир яқунланган тугатишга доир иш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан суд бошқарувчилари га энг кам иш ҳақининг йигирма бара-вари миқдорида ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни узишда тўланган қарз суммасининг 5 фоизи миқдорида суд бошқарувчилари га кўшимча ҳақ тўланиши, суд бошқарувчиларининг фаолияти «фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритиш» ихтисослашуви бўйича лицензияга эга бўлган ва суд бошқарувчи-си аттестатини олган адвокатлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкинлиги, суд бошқарувчиларини тайинлаш кредитор (кредиторларнинг умумий йигилиши ёки кўмитаси) ёки банкротлик ишлари бўйича ваколатли давлат органи ёхуд Ассоциация ва унинг худудий тузилмалари тақдимномаси бўйича суд бошқарувчилари фаолиятини рейтинг баҳолашни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан амалга оширилиши назарда тутилган. Бундан ташқари, қарорда суд бошқарувчиларининг касбий малакасини оширишга кўмаклашиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда уларнинг ролини кучайтириш мақсадида Ассоциация ва унинг худудий тузилмалари суд бошқарувчилари фаолиятини тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида иштирок этиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан муносабатларда

суд бошқарувчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳуқуқига эга эканлиги ва суд бошқарувчиларининг касбий одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиши ҳамда тасдиқлаши, суд бошқарувчилари фаолиятини рейтинг асосида баҳолаши, улар томонидан қонун хужжатларига, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини мониторинг қилиши ҳақида белгилаб ўтилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, айрим мансабдор шахсларнинг бугунги жадал ривожланиш шароитида ишлаш усулларини ўзлаштирганларни, корхона маблағларига нисбатан масъулиятсиз муносабатда бўлишлари, улардан асоссиз равишда фойдаланишлари, етказиб берилган маҳсулот ва кўрсатилган хизмат учун ҳақни ўз вақтида ола билмасликлари, бунга етарли хуқуқий билимга эга бўлмаганлиги, шартномалар тузиш ва бажариш маданиятининг пастлиги, хуқуқий хужжатларнинг юзаки, баъзида эса саводсизлик билан тузилиши, корхонанинг моддий аҳволига салбий таъсир кўрсатиб-гина қолмасдан, балки банкротлик даражасига ҳам келиб қолишига сабаб бўлмоқда. Қонунчиликмиздаги юқорида қайд этилган янгиликлар банкротлик таомилларини янада соддлаштириш билан бирга қулагай бизнес муҳитини ва халқаро майдонда мамлакатимиз рейтингини ижобий томонга ўзгаришига хизмат қиласи.



МАЗЛУМНИНГ ҲАҚҚИ



Шайх Иброҳим Ҳаққий ёшлигида авлиёуллоҳлардан бўлган Исмоил Факириуллоҳ ҳазратларининг қўлларида таҳсил ва тарбия кўрган эди. Бир куни устози уни қақириди. Иброҳим югуриб келди:

— Лаббай, устоз?

— Шу кўзада булоқдан сув олиб келгин. Иброҳим кўзани олиб булоққа борди. Кўзани тўлдираётганида бир отлиқ келди ва:

— Қани, нари тур, деб Иброҳимни итариб юборди. Иброҳимнинг кўзаси ерга тушиб синди. У йиглаб устозининг хузурига келди.

— Нима бўлди, ўғлим? — деб сўради устози.

Булоқдан сув олаётувдим, бир отлиқ келиб, итариб юборганида, кўза кўлимдан тушиб синди.

— Ўша одамга бирон нима дедингми?

— Йўқ, ҳеч нима демадим.

— Бир оғиз ҳам гапирмадингми?

— Йўқ.

— Тезда у ерга бориб, отлиққа бирор нарса дегин. Яна тезда ортга қайт.

Исмоил факириуллоҳнинг бундай буйруқ бершиларидан ҳамма ҳайрон қолди. Иброҳим югуриб булоқ бошига келди. Ҳалиги киши отини ювар эди. Иброҳим анчагача талмовсиранди, лекин ҳеч нарса деёлмай, қайтиб келди.

Устози:

— Гапирдингми? — деб сўради.

— Йўқ.

— Вақт ўтказмай югур. Унга бирор ёмон гап айтиб кел!

Иброҳим яна югуриб булоқ бошига келди. Қараса, уни итарган отлиқ ерда ётибди. Унга яқин келди. Отлиқ боши ёрилган ҳолда бехуши ётарди. Бу ҳолатдан юраги ёрилаётган Иброҳим устозининг ёнига келди. Устози яна сўради:

— Бирор нарса дедингми, Иброҳим?

— Йўқ, устоз. Бу сафар борганимда унинг боши ёрилган, қонга беланиб ётган экан. Пешонасида от туёгининг изи кўринди.

Исмоил ҳазратлари:

— Эй ўғлим, биргина кўза учун бир одамини ўлдиртирдинг! Бу энди қандоқ бўлди?! Унга бир оғиз сўз, бир оғиз ёмон сўз айтганингда, бу ҳодиса рўй бермасмиди... — дедилар.

Исмоил Факириуллоҳ ҳазратларининг атрофидагилар:

— Устоз, айтган гапингизга тушунмадик. Иброҳим ёмон сўз айтганда нега у киши ҳалок бўлмас эди? — дейшиди.

— Ҳа, — деди Исмоил Факириуллоҳ ҳазратлари, — бир золим бирор кишини хафа қиласа, ийглатса-ю, мазлум у золимга қарши ҳеч нарса қилолмаса, мазлумнинг қўнгли озор топгани учун Ҳақ таоло золимдан унинг ҳакини олади. Иброҳим ҳам кўзаси сингач, у отлиққа ҳеч бўлмаса, “Нима қилиб қўйдинг?” деганида отининг тепкисидан омон қолармиди...



МАНТИҚЛАР, ДАЛИЛЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР НЕГИЗИДА ҚУРИЛГАН МУҲОРАБА

Суҳбатдошимиз – Бекзод ОСТОНОВ фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро суди раиси. 1983 йил Қашқадарё вилояти-нинг Касби туманида туғилган. 2004 йилда Ўзбекистон миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган.

– Келинг, сұхбатимизни ноанъанавий савол билан бошлайлик. Сизнинг касбий фаолиятингизда китобсеварлигингиз қанчалик ёрдам беради?

– Саволингизга жавобни олис болалик давримдан бошлайман. Отам ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида хизмат қиласарди. Табиийки, ижтимоий-сиёсий ёки маънавий-маърифий мазмундаги кўрсатувларни кўпроқ томоша қиласардик. Отам доим телевизорда чиқадиган мутахассисларнинг фикрларига муносабат билдириб ўтиради. Экраннинг бу томонида туриб, “у томонда” мулоҳаза қилаётган одамлар билан тўғри маънода ғойибона тортишарди, баҳслашарди. Нутқи равон, фикри оригинал бўлган одамларни “Хойнаҳой, юрист ёки журналист бўлса керак”, деб тахмин қиласарди. Кейин экрандаги титр орқали биз отамизнинг тахминда адашмаганликларини билиб олардик. Эсимни анча таниб қолганда отамдан “бу топқирликтинги сири”ни сўраганман. Отамнинг жавоби оддий бўлган: “Яхши нотиқ ва теран фикрли бўлмаган одам юрист ҳам, журналист ҳам бўлолмайди”.

Мен камтарона тажрибамдан келиб чиқиб, отамнинг бундан йигирма йиллар олдин айтган фикрларига илова тариқасида шуни айтаманки, бугунги тезкор даврда нафақат “юрист ёки журналист”, балки ҳар қандай соҳанинг мўътадил хизматчиси бўлиш учун ҳам кенг дунёқарашли ва равон тилли бўлиш шарт. Бундай фазилатларга эга бўлиш учун аъло ўқиш, жисмонан соғлом ва фаол бўлиш каби омиллар озлик қиласди. Биринчи навбатда китоб ва яна китоб ўқиш лозим. Энди китобнинг хизмат фаолиятимдаги аҳамиятига келсак, ҳукм чиқариш учун фақат тегишли кодекслардаги моддаларни ёддан билиш етарли деб

ўйлаган одам қаттиқ адашади. Бизга тақдим этилган ҳар бир варақ қоғоз ортида муайян бир ШАҲСнинг тақдирни ётади. Бизнинг оний беътиборлигимиз бир инсон ҳётида мудхиш бурилиш ясад юбориши мумкин. Шунинг учун фактлар, рақамлар, борингки, моддалар устида чукур мулоҳаза қилибгина биз хизмат бурчимизни етарли даражада бажарган ҳисобланамиз. Мен бадиий, ҳеч бўлмаса ижтимоий-ҳуқуқий адабиётлар билан танишмаган одамнинг кенг ва чукур фикр юрита олишига ишонмайман.

– Ҳоҳлаймизми, йўқми, фаолият са-марадорлигини рақамлар белгилайди. Шунингдек, ҳозиргина айтган фикрин-гизни муйян бир мисол билан далолат-ласангиз?

– Саволингизга жавоб бериш асносида бир нарса хаёлимга келиб қолди. Мен 22 ёшимдан бери, яъни 2005 йилдан ҳозирга қадар шу соҳада ишлаб келяпман. Дастлабки беш йил Қашқадарё вилояти адлия бошқармасида турли лавозимларда хизмат қилдим. Яна беш йил Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг судьяси бўлдим. Ўтган йилнинг март оидидан бошлаб, фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судининг раиси лавозимида хизмат қиляпман. Бу гапларни айтишдан муддао шуки, менинг фуқаролик ишлари бўйича кичик бўлса-да, тажрибам бор. Халқ ҳамма замонларда судьяларни одиллик тимсоли деб билган. Битта оддийгина мантиқ айтами, (бу ўзимнинг кузатувларимдан) одамлар суд тизимида холислик йўқ деб ҳисоблашганида мурожаатлар бунчалик кўп бўлмаган бўларди. Мисол учун, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида биз 76 та оилани саклаб қолишга эришдик. Бир қарашда бу курук рақамдай туюлади. Тасаввур қилинг, биз-

нинг судьяларимиз 76 та жуфтлик билан бир неча марталаб мунозара қилишган, ма- сала талашган, ажралиш учун топган сабабу асосларини йўққа чиқаришган. Ишонинг, бу ҳам ўзига хос муҳораба. Мантиклар, далиллар, асосли мулоҳазалар негизида қурила- диган чинакам муҳораба.

Суд эшигига адвокат етовида келган одам ўзини ноҳақ ҳисобламайди. Умуман, ҳозиргача ўзини ноҳақ ҳисоблаган кимсани дунё кўрганми? Эслайсизми, Абдулла Ори- повда шундай мисралар бор: «Бозорга ўх- шайди асли бу дунё, Бозорга ўхшайди бун- да ҳам маъни. Иккиси ичра ҳам кўрмадим асло, Молим ёмон деган бирор кимсани». Мен чин кўнгилдан фахрланиб айта оламан: бизнинг маҳкамада ишлаётган йигитлар бу муҳорабада голиб чиқдилар. Ажрим учун 59 та жуфтлик берган даъво аризалари асоссиз деб топилди. 17 та жуфтликни яраштиришга эришдик. Тўғри, бу ўзига хос ютуқни факат суд идораси фаолияти билан боғлашим ноўриндир. Туман хотин-қизлар қўмитаси, маҳаллаларнинг яраштириш комиссияси, «Оила» маркази туман бўлими фаоллари- нинг хизматларини ҳам унутмаслик керак.

- Савол яна китоб ва китобхонлик- ка бориб тақалади-да. Бир замонлар одамлар, асосан, катта мансаб эгалари китобга бир безак сифатида қарашган. Уй тўрида турадиган «импортний» гар- нитурнинг ойнаванд қисмини чиройли муқовали китоблар эгаллаб турганини кўргандирсиз. Сиз бу ҳолга қандай қа- раган бўлар эдингиз?

– Аввало, китобхонликни алоҳида бир мавзу ёки тармоқка ўхшатиб гапириш анъ-

анасидан қутулишимиз керак. Китобхонлик – инсон турмуш тарзининг бир қисми, кўн- гилни бойитиш, ҳаётдан лаззатланишнинг бир усули. Китоб ўқиган одам ундан фойда- ланяпти, ўқимайдиганлар эса имкониятни бой беряпти, холос. Китобга тўла гарнитур- лар ҳақидаги саволингизга келсак, бизнинг Қаршидаги уйимизда ҳам худди шундай китоб жавони бўларди. Юқорида айтиб ўтга- нимдек, отам ҳуқуқни муҳофаза қилиш ти- зимида ишларди. Соҳага доир қалин китоб- лари кўп бўларди. У киши соатлаб, баъзан тун ярмигача китобга мук тушиб ўтиришла- ри болалик хаёлимга муҳрланиб қолган.

Айнан уйда китоб борлиги, унинг қадр- лангани учун ҳам биз ўқишига меҳр қўйган- дирмиз? Балки рангли муқовалар бизни ром этгандир? Отамизни соатлаб сеҳрлаб кўядиган бу гаройиб оламга қизиқишимиз ортгандир? Хулоса шуки, безак деб қара- ладими, жихоз деб қабул қилинадими, уйда китобнинг бўлганига нима етсин! Ҳозир уйимда 100 дан ортиқ китобларим бор. Ора- сида соҳага доир адабиётлар, кўлланмалар, ижтимоий-сиёсий китблар бор. Лекин мен уларни безак эмас, «иш қуроли» деб ҳисоб- лайман.

- Шу йилнинг 19 март куни Президен- тимиз ўтказган селектор йигилишида ёшлар маънавиятини янада юксалтириш, китобхонликни кенг оммалаштириш, аҳо- лининг ахборот коммуникацияларидан фойдаланиш саводхонлигини ошириш борасида кўтарилиган бешта ташабbus ҳозир энг қизгин муҳокамалар мавзусига айланган. Сизнинг бу борада фикрингиз қандай?



– Мен бу ташаббусларни олқышлайман. Эътибор қилган бўлсангиз, кейнинг учийил ичидаги мамлакат бўйлаб ана шу аурат, борингки, муҳит кезиб юргандай. Одамни муҳит тарбиялашига ишонаман. Қаранг-а, боболаримиз йиллар мобайнида гўдакларнинг қулогига нонни увол қилмаслик фикрини қуиб боришади. Бу ўғит бот-бот айтилади. Алалоқибат ўша рўзгорда нонни муқаддас билиш муҳити қарор топади. Ишонаман, одам бир думалаб китобхонга айланниб қолмайди ёинки қизғин бир акция ё тадбирдан кейин ўкувчи ўйига борибоқ китобга мук тушиб олмайди. Аммо албатта китобхон авлод шаклланади. Таассуфки, бунинг учун йиллар керақдай... Майли-да, ҳар ким бу ташаббусга камарбаста бўлиб, заррача гирромликсиз қўллаб-қувватласа, ниятимизга, албатта, етамиз.

Мана, ҳозир мамлакат бўйлаб «Китоб улаш» акцияси кетяпти. Майли, кимдир одамлардан орқада қолмаслик учундир, яна кимдир хўжакўрсингадир мактабларга китоб топширяпти. Ҳа, ҳа, баъзилар топширяпти. Балки ўша китоблар етарлича ўқилмас ҳам. Майли-да. Биз учун ҳозирча муҳит, китобга ихлос атмосфераси муҳим. Фақат тўхтаб қолмаслик керак. Юқоридан топширик кутиб эмас, қалб амри билан бу акцияда қатнашиш керак. Бу баландпарвоз гап эмас. Демоқчиманки, муҳитни бир ёки бир неча юз киши қарор топтира олмайди. Бу – омманинг иши. Масалан, мен фарзандларим ўқиётган Денов туманинаги 74-мактабга 15 та китоб совға қилдим. Балки вақт топиб ўша китобни ўқиган ўқувчилар билан суҳбатлашиб ҳам келарман. Насиб бўлса, Касби туманинаги ўзим ўқиган 43-мактабга ҳам китоб совға қилиш ниятим бор.

– Авваллари ҳалқ билан бевосита ишлайдиган тизимларга ёши улугроқ одамларни тайинлаш керак, деган тушунчалар бўларди. Масалан, сиз атиги 27 ёшингида (таъбир жоиз бўлса) одамларнинг тақдирини қисман ўзгартиришга қодир масъул лавозимга ўтиргансиз. Тан олайлик, жамият чин маънода «ёшариш» жараёнини бошдан кечираётган даврда судьяликка ёши улугроқ мутахassisларни тайинлаш тўғри бўлмасми кан?

– Ёши улуғ инсонлар нимани ҳис қилади билмайман – ҳали ўшга етганим йўқ. Чиндан ҳам университетни тугатибоқ масъул лавозимга тайинланганим рост. Қарши шаҳрида фуқаролик ишлари билан шуғулланганимда отамдан ҳам катта одамлар билан муомала қилганман. Оиласвий можаролар устида бош қотиришга тўғри келган. Ҳеч кимга ақл ўргатмаганман. Ҳаволаниб ҳам кетмаганман. Шунчаки, ишимни чин кўнгилдан бажарганман. Тақдирни менга боғлиқ одамларнинг кўзларига самимий қараб, қонунда нима ёзилган бўлса шуни айтганман.

Ёши мендан каттароқ бир ҳамкасбим гап асносида: «Беҳзод, сенда ҳам шундай бўладими, хукмга имзо чекаётган маҳалинг кўксинг гууррга тўлиб кетади, ўзингни кимлар сеза бошлайсан-а?» деган. Билмадим. Бу туйғу билан таниш эмасман. Ҳали жуда ёшлик пайтларим ҳам, ҳозир ҳам қандай мазмунда имзо чекишимдан қатъий назар, ичимда «ишимни ҳалол бажардим» деган қониқиш ва «хато қилишдан ўзинг асрар, Парвардигор» деган муножот бўлади. Шу икки туйғу менга доим ҳамдам.

Суҳбатдошлар:
Турдимурод МУСТАФОЕВ,
Дона МЕНГНИЁЗОВ





ЭНДИ УЛАР БИЛАН МУРОСА ҚИЛМАЙМИЗ

Судъялар олий кенгashi раиси Қашқадарёда судья ва суд ходимлари, уларнинг ота-оналари, турмуш-ўртоқлари ҳамда аҳоли билан очиқ мулоқот ўтказди.

Ушбу мулоқотдан кўзланган асосий мақсад, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилиш, шунингдек, ундан келиб чиқадиган вазифаларни белгилашдир.

Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгashi раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Убайдулла Мингбоеv ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳақида гапириб, қўйидағи фикрларни билдиради.

– Сўнгти йилларда суд ҳокимияти тизимида том маънода улкан ислоҳотлар ўтказилиши натижасида, суд тизими тарихида янги бир давр бошланди. Тасаввур қилинг, қисқагина давр ичida суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлаш, бугунги кун талабига жавоб берадиган, ҳар томонлама баркамол судъялар корпусини шакллантириш ва уларни қўллаб-куватлаш мақсадида Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан 10 га яқин қарор ва фармонлар қабул қилинди. Судъялар ва суд тизими ходимларига ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан катта имкониятлар яратилди. 50 йилдан ортиқ суд тизимида ишлаётган оддий бир ходим сифатида айтишим керакки, бундай имконият ва шароитларнинг қадрига етишимиз лозим. Ва энг муҳими, бунга судъялар ва тизим ходимлари муносаб жавоб беришимиз керак деб биламан.

Бугунги ўтказилаётган амалий мулоқот суд тизимида Давлатимиз раҳбарининг коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш билан боғлиқ фармонидан келиб чиқадиган вазифаларни белгилашдир. Беш қўл баробар бўлмаганидек, очигини тан олиб айтиш керак, суд тизимида ҳам бундай ходимлар бор.

Биз бунинг олдини олиш учун бугун нафакат судъялар ва суд тизими ходимларини, балки, уларнинг ота-оналарини ва турмуш ўртоқларини ҳам ушбу мулоқотимизга таклиф этдик. Бу бежиз эмас. Сабаби, уларнинг ҳатти-харакатини биринчи навбатда оила аъзолари билади. Судъянинг турмуш ўртоғига жуда кўп нарса боғлиқ. У энг аввало



қаноатли, сабр-тоқатли бўлиши керак. Чунки, турмуш ўртоғининг ҳали у йўқ, ҳали бу йўқ, у нарса етмаяпти, бу нарса етмаяпти ёки фалончи ўртоғим фалондай кийим кийибди, фалон пулга тилла узук олибди, деб ҳоли-жонига қўймаслиги, ўша судъянинг бир кун келиб моддий манфаат эвазига бирон-бир ноконунй ишни бажариб беришига сабаб бўлиши мумкин.

Буни ҳам инкор этмаслик керак. Шунинг учун биз уларни бугунги мулоқотга таклиф этдик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мамлакатимиз иқтисодиётини янада ўстириш, ҳалқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция мухитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар кўрилишини тақозо қилаётганлиги алоҳида қайд қилинган. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир соҳа бу муҳим масала бўйича ўзининг аниқ чора-тадбирларини белгилashi лозим. Хусусан, суд тизимида бугунги кун талабидан келиб чиқиб, бу иллатга қарши комплекс тадбирлар ишлаб чиқилиши керак.

Аҳамиятлиси тадбир факат маърузалардангина иборат бўлмай, иштирокчилар мавзу юзасидан ўзларининг фикрларини билдириб, ўзаро мулоқот шаклида бўлиб ўтди. Куйида тадбир иштирокчilarinинг фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишасиз.

**Сен ўз-ўзингга ҳоким бўл.
Ўзингга ўзинг шоҳ бўлиб,
одилона бошқарув асносида
юксак ҳукмронлик ва энг
муҳим лавозимга эришасан.
ПИФАГОР**

**Бахтиёр ҚИЛИЧЕВ,
Қашқадарё вилояти
Маъмурий суди
судьяси**



— Судъялар олий кенгаши раиси билан бўлиб ўтган мулоқот менда жуда катта таассурот қолдирди. Мулоқотга танланган мавзу жуда долзарб. Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида назарда тутилган вазифалар судъялар олдига катта масъулият юклайди.

2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастурининг ишлаб чиқилганлиги ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар икки ой мuddатда ушбу давлат дастурининг ҳар бир банди бўйича мақсадларга эришишда самарадорлик индикаторларини ишлаб чиқиш вазифасини бажариши амалий натижасини беради.

Ўрни келганда алоҳида таъкидлашни истардимки, сўнгти йилларда мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлашга қаратилган кўплаб ишлар қилинди. Жумладан, Ўзбекистон тарихида биринчи марта Судъялар олий кенгаши ва унинг хузурида Судъялар олий мактаби ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад, судъялар корпусини ҳар томонлама малакали судъялар билан шакллантиришdir. Шубҳасиз, судъялар корпуси юксак лаёқатли кадрлардан таркиб топса, одил судлов вужудга келади. Пировард натижада, мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналиши деб белгиланган инсон хукуки ва эркинликларини, унинг қонуний манбаатларини амалда таъминлаш имконияти яратиласди.

Судъялар олий кенгаши раисининг маърузаси барча ҳамкаслар қатори менда ҳам чуқур таассурот қолдирди. У киши ўзининг амалий ҳаёт тажрибасидан жуда кўплаб мисоллар келтириб ўтди. Амалиёт нуқтаи-на заридан қарайдиган бўлсак, судья фаолияти давомида турли характердаги инсонлар билан юзма-юз бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам судья ўзининг қасамёдига содиқ қолиши шарт. Битта судъянинг ноконуний хатти-ҳаракати бутун суд корпуси шаънига дод тушириши мумкин. Бугунги мулоқотда бу бир неча бор таъкидлаб ўтилди. Судья жамиятда адолат ўрнатилиши учун масъул шахс ҳисобланади. Бунинг учун аввало судъянинг ўзи виждонли ва адолатли бўлиши керак.



Рахмат бобо АЧИЛОВ, Шахрисабз туман иқтисодий судининг судьяси Жасур АЧИЛОВнинг отаси.

— Мен 83 ёшдаман. Самарқанд вилояти, Ургут туманида яшайман. Фарзандим Қашқадарё вилоятида судья бўлиб ишлайди. Тўгрисини айтишим керак, мен шу пайтгача суд тизимининг мутасаддилари билан бундай учрашувда иштирок этмаганман. Мулоқотда қатнашиб тушундимки, бу шунчаки, номигагина ёки ҳисобот учун ташкил қилинган эмас, балки, судьяларни, суд идораларида хизмат қилиб келаётган ходимларни фаолияти жараёнида ҳалол-пок бўлишига, адолатли қарор қабул қилишига даъват этишга қаратилган экан. Шахсан менга судья ёки суд ходими деган юксак номга дод туширмасликка, ўзларини ҳар хил ёмонликлардан асраб-авайлашга чақириш бўлиб туюлди. Бу жуда ҳам зарур.

Биз ота-оналарни шундай мулоқотга таклиф қилишганидан жуда хурсанд бўлдим. Қарши шаҳри билан бизнинг қишлоғимиз ўртасидаги масофа қарийб 200 км.ни ташкил этади. Лекин, гап бу масофанинг узоқлигига эмас, мен фарзандимнинг қандай масъулиятли касбда ишлаётганини яхши биламан. У қандай ишляяпти, тўғри йўлдан юраяпти? Билишим керак. Отана фарзанди учун ҳамиша масъул бўлади. Унга айтиладиган раҳмат ҳам, лаънат ҳам биринчи навбатда ота-онасига айтилади.

Бугунги айтилаётган фикр-мулоҳазалар жуда ўринли. Айниқса, судьялар коррупциядан ҳоли бўлиши керак. Чунки, улар инсоннинг тақдирни ҳақида қарор чиқаради. Улар ҳалол ва пок бўлиб, вижданан ҳукм чиқарishi шарт.

Коррупция бор жойда ҳеч қачон тараққиёт ҳам бўлмайди, адолат ҳам ўрнатилмайди. Телевизордан кўп эшишиб тураман, Президентимиз мансабдор шахсларга қарата таъмагирлик қиласлик кераклигини таъкидлайдилар. Мансабдорнинг таъмагирлиги бу коррупцияни келтириб чиқаради.

**Жўшқин Йўлдошев,
Жиноят ишлари
бўйича Қашқадарё
вилоят суди судьяси
китта ёрдамчиси**



ODILLIK
MEZONI

— Вилоятимизда биринчи марта ташкил этилган ушбу мулоқотда менинг ҳам оила аъзоларим иштирок этди ва улар бундан жуда хурсанд бўлди. Судьялар олий кенгаши раисининг қўйидаги фикрлари менинг умуман ёдимдан чиқмайди. Мана у киши нима деди: — “Суд тизимида ишлаётган ёш мутахассислар бизнинг фарзандларимиз. Уларни касбини суиистеъмол қилиш орқали ноконуний йўллар билан моддий маблағ орттириш, пул ва бойлик ортидан қувишидан ўз вақтида қайтаришимиз керак бўлади. Биз ота-оналар фарзандларимизнинг ушбу ғараз мақсадлар йўлида бирор-бир ножӯя хатти-ҳаракатларини сезиб қолсак ёки салбий томонга ўзгараётганилигини билсак, шу заҳоти уни тўғри йўлга қайтарайлик. Акс ҳолда, “ўрганган кўнгил ўртанса қўймас” бўлиши табиий ҳол. Ундан кейин, фарзандим ёшлиқ қилиб қўйди деб пушаймон қилишимизнинг фойдаси йўқ. Халқимиз бежизга “кўзингни чиқмасдан қўри” деб айтмаган.” Биз ёш мутахассисларга бу ибратли гаплар мактаб вазифасини ўтайди.

Ҳаммамизнинг хабаримиз борки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳукуқ тизимини янада тақомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий Фармони билан нафақат судьялар, балки, биз каби суд тизими ходимларини моддий жиҳатдан қўллаб-куватлаш, жамиятда обрў-эътиборини янада ошириш каби муҳим вазифалар, хусусан, 2018 йил 1 августдан бошлаб судья ва суд ходимларининг моддий таъминоти ва ижтимоий ҳимоясини янада ошириш белгиланган эди. Бугунги кунда бунинг ҳаётий ижросини кўриб турибмиз.

Очиқ мулоқотда Қашқадарё вилоятидаги суд фахрийлари, тажрибали ва таниқли ҳукукшунослар, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этиб, суд тизимида коррупцияга қарши кураш самарадорлигини янада ошириш борасида таклиф ва мулоҳазаларини билдириди.

Гулзода ХУРРАМОВА тайёрлади.



ODILLIK MEZONI

Маъруф ТАЖИБАЕВ,
Судьялар олий мактаби
“Фуқаролик ҳукуқи”
кафедраси ўқитувчиси

БУГУНГИ КУН СУДЬЯ ЁРДАМЧИЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳукуқ тизимини янада таомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига кўра, судьялар ва суд ходимларининг ижтимоий ва иқтисодий таъминотлари кучайтирилди.

Мазкур Фармон талабларига кўра, эндиликда судья томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорларини суд мажлиси иштирокчиларига тушунтириш институти жорий этилдики, бу ўз навбатида низодаги тарафларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Айниқса, судьяларни лавозимда бўлиш муддатларига киритилган жиiddий ўзгаришлар, судья ва суд ходимлари ижтимоий ва иқтисодий таъминотининг кескин ўзгартирилиши, суд тизимига судья ёрдамчиси мақомининг кириб келиши ва унинг ваколатлари процессуал қонун нормаларида белгилаб берилиши судлар томонидан ишларни кўришини ташкил этиш ва низо юзасидан қабул қилаётган қарорини бир маротаба эмас, балки бир неча маротаба ўйлагандан кейингина тўхтамга келиш лозимлигини даврнинг ўзи тақозо этиб қўйди.

Лекин, мана шундай шароит ва имкониятларни қай даражада оқлаяпмиз, деган хақли савол туғилади.

Суднинг қарори қанчалик адолатли ва амалдаги қонунларга қатъий риоя қилинган ҳолда қабул қилинган бўлса, унинг барқарорлиги таъминланиши билан бир қаторда, ҳалқнинг суд идораларига бўлган ишончи ортишига амалий таъсир кўрсатади, албатта. Зеро, ҳалқ ўзининг ҳукуқ ва эркинликларини одил суд орқали ҳимоя қилиш мумкинлигини ва қонун устуворлигини амалда англайди, бунинг натижасида эса, мамлакатимизнинг иқтисодиётiga ўз ҳиссасини кўшишга жазм қилувчи чет эллик инвесторларнинг кўпайишига жуда катта йўл очилади. Чунки ҳар қандай инвестор ўз сармоясини ишончли ҳимоя қилиши мумкин бўлган давлатга киритиши табиий ҳолдир.

Суд қабул қилаётган қарорларнинг қонуний ва асосли бўлиши, уни юқори инстанция судларида ўзгаришсиз қолиши учун албатта суд дастлаб келиб тушган датво аризани иш юритувига қабул қилишдан тортиб, аризада келтирилган важлар бўйича суд мухокамаларини ўтказиб, то ҳал қилув қарори қабул қилиб, уни тарафларга эълон қилишгacha бўлган жараённи ўз ичига олади. Бу жараён амалдаги қонунларга тўла мос ҳолда ва белгиланган муддатларга риоя қилган ҳолда ўтказилиши муҳим аҳамият касб этади. Мазкур жараёнларни белгиланган муддатларда, сансоларликка йўл кўймасдан ўтказилишини таъминлаш масъулияти эса ишни кўраётган судьянинг зиммасида хисобланади. Шу билан бирга мазкур ҳаракатларни ташкил қилиб бериш масъулияти судья ёрдамчисининг вазифаларига ҳам киради.

Умуман олганда, судья ишни кўриб, тегишли қарорни қабул қилгунга қадар қанчалик ташкилий ишлардан ҳоли бўлса, унинг низо юзасидан хулоса қилишга бўлган эътибори шунча ортади. Агар, оддий

бир фуқаролик ишига эътибор қаратадиган бўлсак, ишни ташкил этиш билан боғлиқ ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши масъулияти судья ёрдамчисининг зиммасида бўлади.

Хозирги кун судья ёрдамчиси қандай бўлиши керак, у замон талаби даражасида ишламоқдами? У ўзининг вазифаларини тўлик биладими? Бу саволга аксарият ҳолатларда йўқ деб жавоб берсак тўғри бўлади.

Албатта, бир қатор судларда ишларнинг ташкил этилиши, фуқаролик ишларининг тикилиши, суд процессининг ёритилиши ҳақидаги баённоманинг тузилишини кўрсангиз хурсанд бўласиз, лекин жуда кўп ҳолатларда судлардаги судья ёрдамчилари муқаддам мавжуд бўлган суд котиблари қандай ишлаб келган бўлсалар, шу ишларини давом эттириб келмоқдалар. Уларнинг фикрлари бўйича фуқаролик ишларини шакллантириш ва суд муҳокамаларини ташкил этишга фақат судья жавоб беради, уларнинг вазифаси фақат чақирув хатларини юбориш, шунингдек суд мажлиси баённомасини расмийлаштириш билан чекланиб қолмоқда. Ҳатто айрим ҳолларда судья ёрдамчилари чақирув хатларини юбориш каби вазифасини ҳам тўлик бажармай келаётганини, яъни суд чақирув қофозларини тарафларга ўз вақтида юбормаслик, баъзан баённомаларнинг ҳал қилув қарори эълон қилингандан кейин ёзилаётганини, баённомаларнинг тегишли тартибда расмийлаштирилмаслиги, суд процессларининг қолдирилиш асосларининг баённомада кўрсатилмаслиги, тарафларга қўпол муюмалада бўлиш каби ҳолатларга йўл қўйиб келмоқда.

Барчамизга маълумки, 2018 йил 1 априлдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик процессуал кодекси 206-моддасида судья ёрдамчиси (кatta ёрдамчиси)нинг ишни суд муҳокамасига тайёрлаш бўйича ҳаракатлари белгилаб берилган.

Мазкур модда талабларига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳақиқатдан ҳам судья ёрдамчиси ўзига юклатилган вазифаларни тўла-тўқис бажарса, судъянинг низо юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилишида унчалик муаммо бўлмайди. Чунки амалда судъянинг жуда кўп вақти ишни суд муҳокамасига тайёрлаш, тайинлаш, муҳокама қилиш ва ишни тўғри ҳал этишга асос бўладиган қонун нормаларини қидиришга кетади. Ҳал қилув қарорини ёзиш учун эса кўп вақт ҳам сарфламайди. Юқорида қайд этилган модда талаблари судья ёрдамчиси томонидан тўлиқ амалга оширилган ҳолат-



ларда эса, судья ишни биринчи суд муҳокамасининг ўзида ҳал қилув қарорининг дастлабки қисмларини тайёрлашга улгуради ва ҳақиқатдан ҳам суд муҳокамасининг сўнгига судья томонидан ҳал қилув қарорининг лойиҳаси тайёрланади.

Бундан кўринадики, судья ёрдамчиси томонидан ўзига юклатилган вазифаларнинг тўлик даражада бажарилиши судья томонидан қабул қилинадиган ҳал қилув қарорининг ўз вақтида, қонуний ва адолатлилигини таъминловчи муҳим манба бўлиши билан бир вақтда, судга келиб тушган аризаларни суд процессларида белгиланган вақтларда кўриб чиқилиши, мазкур процессларда низонинг тарафлари ҳамда ишда айрим масалалар бўйича аниқлик киритувчи мутахассисларнинг ўз вақтида иштирок этишларини таъминловчи муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, давр талаб этаётган фуқароларни суд ҳокимиятига бўлган ишончларини ортишига хизмат қилувчи асосий омил вазифасини бажаради.

Баъзан судъянинг ўз ёрдамчисига эътиборсизлиги ва ундан вазифаларини бажаришни талаб этмаслик ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай судъялар томонидан ишларни кўриш муддатларини бузиш, тарафларни сарсон қилиш ва суд ҳал қилув қарорини ўз вақтида бермаслик, ҳал қилув қарорларининг эса юқори инстанция судлари томонидан бекор қилиниши ҳам оддий ҳолатдек бўлиб қолади.

Ана энди, ФПК 209-моддасида судья ёрдамчиси (кatta ёрдамчиси) бажариши лозим бўлган вазифалар нималардан иборат эканлиги, низо юзасидан судья томонидан ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар судья ёрдамчиси ишларни тўғри ташкил этиши нечоғлик муҳим ва масъулиятли эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Судья ёрдамчиси судьяга келиб тушган аризаларни ўрганади, ҳар бир судда аризалар суд раиси ёки судья (кўп таркибли судларда судьялар) томонидан судья ёрдамчи-сининг иштирокида қабул қилиб олинади. Ариза қабул қилинган куннинг ўзида аризалар девонхонага топширилади, девонхона мудири аризаларни қабул қилиб, тегишли тартибда компьютерга киритади. Компьютер ўз навбатида суддаги судьяларга кири-тилган дастур орқали тақсимот қиласди.

2018 йил 1 апрелигача амалда бўлган Фуқаролик процессуал кодекси талабларига асосан ариза келиб тушган куннинг ўзида судья аризани иш юритувига қабул қилиш ва иш қўзгатиш ҳақида ажрим чиқариши лозим эди. Янги Кодекс талабларига асосан эса келиб тушган ариза юзасидан маълум процессуал ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида судья томонидан ариза келиб тушган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмасдан қабул қилиш белгиланган.

Ариза келиб тушгандан кейин амалда судья ёрдамчилари ушбу аризани ўрганмоқдаларми, деган савол барчамизни қизиқтириши мумкин. Чунки, мазкур ҳолатнинг тўлик ўрганилиши аризани ўз вақтида ҳал этилишида жудда катта омил ҳисобланади.

Ҳозирги кундаги судья ёрдамчиларининг аксарияти бу вазифани амалда бажармасдан келишмоқда, шу сабабли фуқаролардан келиб тушган аризалар ўз вақтида ҳал этилмаяти, натижада эса фуқаролик ишларини ўз вақтида кўриш муддатлари бузилмоқда, фуқароларнинг эса судларга бўлган ишончларига путур етмоқда.

Судья ёрдамчиси аризани ўрганиш деганда айнан нималарни амалга ошириши лозим, у аризадаги қайси ҳолатларга эътиборини қаратиши керак ҳамда унинг кел-

гусида ишларни қонуний ва ўз муддатида кўрилишига таъсири ҳақида тўхталиб ўтсак.

ФПКнинг талабларига асосан судья ёрдамчиси судьяга ариза келиб тушган куннинг ўзида ёки аризани қонун талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқиши зарур. Хусусан, биринчи галда аризани қонунда белгиланган тартибда ёзилганлигига эътибор қаратади. Бунда суднинг номи тўғри ёзилганлиги, тарафларнинг исми, шарифлари ва манзиллари аниқ кўрсатилганлиги, талаб этилаётган важлар асослантирилганлиги, талаб этилаётган мулкнинг баҳоси кўрсатилган ё кўрсатилмаганлиги ва унга мутаносиб давлат божининг тўланганлиги, шунингдек келтирган важларини исботловчи ҳужжатлар рўйхати кўрсатилганлиги ва бу ҳужжатларнинг аризага илова қилинганлиги, ариза ким томонидан имзоланганилиги, агар вакил томонидан имзоланган бўлса, вакил ваколатини тасдиқловчи ишончноманинг илова қилинганлигини текшириши лозим бўлади.

Шунингдек, аризани кўриш юзасидан таклифлар киритади, суд ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлайди, агар ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни талаб даражасида топширилганлиги аниқланган ҳолда аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзгатиш ҳақидаги ажрим лойиҳасини тузиши лозим.

Агар ариза юқорида кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган бўлса, уни қабул қилишни рад этиш ҳақида ёки аризани қайтариш ҳақидаги ажрим лойиҳасини тайёрлаши лозим бўлади.

Барча ҳолларда ажрим имзоланиб, тарафларга юборилиш муддати ариза келиб тушган кундан эътиборан 10 кунгача амалга оширилиши лозим.

Судья ёрдамчисининг аризани иш юритувига қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш масаласига эътиборини жиддий қаратиши, аризанинг асосиз равиша қайтарилишига ёки рад этилишига йўл кўймаслиги унинг нақадар ишига масъулиятилигини англатибина қолмасдан, судга мурожаат қилган фуқаронинг одил судловга бўлган ишончини кучайтиради.

Ишни суд мухокамасига тайёрлаш вазифаларини ҳал қилишда, шу жумладан ишда иштирок этувчи шахслар доирасини аниқлашда ва бошқа шахсларни жалб қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда судья ёрдамчиси мухим ўрин тутади. Судья ёрдамчисининг яна бир мухим амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатларидан бири — ариза иш юритувига қабул қилиниб, фуқа-



ролик иши құзғатылғандан кейин ишни суд мұхокамасига тайёрлашдир.

Мазкур жараён шу қадар мұхим аҳамияттаға әгаки, айнан шу процесс жараёнида низоли масаланы ўз вақтида, қонуний ва адолатли күриб яқунланишининг асосий омили бўлиб хизмат қиласди.

Хўш, ушбу жараён қандай амалга оширилмоқда ёки унга судья ва судья ёрдамчисининг муносабати қандай?

Таҳлиллардан кўринишича, аксарият судьялар ва судья ёрдамчилари томонидан шаблон кўринишида мұхрланиб қолган тайёрлов ажримларидан фойдаланиб келинаётганилиги кузатилади. Ушбу ажримларда асосан “тайёрлов ишлари амалга оширилсин, тарафлар суд мажлисига чақирилсин” деган жумладан бошқа жумлалар ишлатилмасдан келинмоқда.

Аслида эса судларга келиб тушаётган аризаларнинг мазмун моҳияти, нима талаб этилаётганилиги ва қандай низо предмети кўрилаётганилигидан келиб чиқкан ҳолда амалга оширилиши лозим бўлган тайёрлов ҳаракатлари ажримда акс этиши лозим.

Бу жараённинг ўта мұхимлигидан келиб чиқиб, судья ёрдамчиси аризани суд мұхокамасига тайёрлаш масаласига аризада келтирилган низо предмети, келтирилган важлар, уларни тасдиқловчи қандай далиллар ва хужжатлар илова қилинганилиги, келгусида низони қонуний ҳал этиш учун яна кимларни жалб этиши лозимлиги, экспертиза масаласи, жавобгарлар доираси, қайси важлар бўйича гувохларни жалб этиши лозимлигига жиҳдий эътиборни қаратиши лозим бўлади.

Масалан, судда никоҳдан ажратиш ҳақидаги иш билан эр-хотин ўртасидаги умумий мол-мulkни бўлиш низоларини суд мұхокамасига тайёрлаш босқичлари бир-биридан катта фарқ қиласди. Агар никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризасини суд мұхокамасига тайёрлашдан олдин, албатта, тарафлар яшайдиган маҳалла фуқаролар йигинларига ҳамда тегишли туман хотин-қизлар қўмиталарига хабар бериш, шунингдек низони ҳал этишда сайёр суд мұхокамасининг оилани сақлашга салбий ёки ижобий таъсирини ўрганиш, тарафлар ота-оналарини судга гувох сифатида жалб этиши масалаларига эътибор бериш керак бўладиган бўлса, эр-хотин ўртасидаги мол-мulkни бўлиш ҳақидаги ишларни суд мұхокамасига тайёрлашда эр-хотинга тегишли бўлган мол-мulk миқдорини, мулкни кимнинг номига расмийлаштирилганилигини, мол-мulkни қаерда жойлашганлигини аниқлаши, шунингдек



тарафлар ўртасида мол-мulkни бўлиш бўйича ўзаро келишув битимини тузиш бўйича таклифлар мавжудлигини ўрганиши, агар тарафлар ўртасида тинчлик йўли билан низони ҳал этиш истаклари бўлмаса, мол-мulkни баҳолаш юзасидан суд экспертизасини тайёрлаши, экспертиза харажатлари ким томонидан амалга оширилиши каби масалаларга аниқлик киритиш талаб этилади. Ўз навбатида мазкур ҳаракатларнинг тайёрлов босқичида амалга оширилиши низони қонунда белгиланган муддатларда ва тўғри ҳал этилишига ва тарафларни суд мұхокамасида ўз вақтида иштирок этиб, суднинг ҳал қилув қарорини ҳам ўз вақтида қонуний ва адолатли расмийлаштирилишига эришилади.

Юқорида қайд этилган ҳар икки низо юзасидан ҳам тайёрлов босқичи жараёнида бир хил амалга ошириладиган ҳаракатлар мавжуд бўлиб, улар низо юзасидан қайси қонун хужжатларини кўллаш лозимлиги, ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар таркибини аниқлаш, яраштириш чораларини кўриш ҳисобланади.

ФПК талабларига мувофиқ тайёрлов босқичи 10 кунлик муддатдан кечиктирмасдан амалга оширилади, айrim ишларнинг мураккаблигидан келиб чиқиб, бу муддатни 20 кунгача узайтирилиши қонунда белгилаб қўйилган (ФПК 202-моддаси).

Шу ўринда қонун хужжатларida айrim тоифадаги ишлар бўйича тайёрлов муддатини узайтирилишига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган бўлиб, улар алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлганлик ёки соглиқта бошқача тарзда шикаст етказилганилиги, шунингдек бокувчиси вафот этганилиги муносабати билан етказилган зарарни қоплаш ҳамда меҳнатга оид хукукий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблардир.

Судья ёрдамчисининг навбатдаги ҳараларидан бири — суд процессини тайёрлаш ва ўтказишни ташкил қилишда иштирок этишдир. Тайёрлов босқичи тўлиқ амалга оширилиб, иш етарли даражада тайёрланган деб топилганидан кейин фуқаролик ишини суд мажлисида кўришга тайинлаш ҳақида ажрим лойиҳаси тайёрланади.

Тайинлаш ҳақидаги ажримда суд мажлиси қайси сана ва вақтга белгиланганлиги, суд мажлиси ўтказиладиган жойи аниқ кўрсатилиши шарт.

Айрим ҳолларда суд ажримида аниқ сана кўрсатилиши ўрнига эскидан қолган “иш график асосида белгилансин” жумласининг ишлатилиши ҳолатлари кузатилади, бу каби ҳолат билан умуман келишиб бўлмайди. Чунки бундай жумлани ёзилиши, ишлари бутунлай тартибсиз бўлган судья ёрдамчисини ишларни хоҳлаганда кўриб, хоҳлаганда қолдирадиган ҳолатларни англатади.

Суд мажлисига ишни кўришни тайинлашда низонинг тарафлари суд биносидан қанча узоқ масофада жойлашганлиги, уларга суд чақириув қофозини белгиланган вақтда етиб боришини ва суд мажлисига тарафларнинг етиб келишлари ва ишга тайёрланиш учун етарли вақтга эга бўлишлари эътиборга олган ҳолда тайинланади. Тарафларга суд мухокамасига жалб этилган шахсларни суд мажлисига етиб келишларини эътиборга олган ҳолда чақириув қофозлари, агарда ишда иштирок этувчи шахс томонидан электрон почта манзили кўрсатилган тақдирда,

суднинг чақириув қофози электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин.

Суд мажлиси ҳақидаги хабарномаларни тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга етиб боришини таъминлаш, шунингдек фуқаролик иши ҳужжатларида чақириув қофозлари ёки бошқача тартибда суд мажлисига чақирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тикиш масъулияти тўлиқ судья ёрдамчиси (кatta ёрдамчиси)га юклатилган.

Аризалар ва мурожаатлар, шунингдек қурилиши кейинга қолдирилган ёки иш юритиш тўхтатиб турилган ишларни ўз вақтида қурилиши таъминланишини ташкил этиш судья ёрдамчисининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Судья ёрдамчиси томонидан мазкур вазифани тўғри ташкил этилиши ишни ўз вақтида ва фуқаролар сансоларлигининг олдини олган ҳолда амалга оширилишини таъминлайди. Суд жараёнида келиб тушган аризалар, мурожаатлар ва илтимосномалар албатта суд мажлиси баённомасига киритилиши ва улар бўйича судьяни ўз жойида ёки алоҳида маслаҳатхонага чиқиб қиласидаган хуносалар албатта суд мажлиси баённомасида қайд этилиши ва фуқаролик ишига келтирилган ариза тикиб қўйилиши лозим.

Мазкур вазифани бажариш қандай амалга оширилиши кўпчиликка маълум, яъни судья ишни бошқа кунга қолдиради-да, айнан қайси кун ва вақти кўшимча хабар берилишини маълум қиласи. Бу билан судья қачон шу ишни кўришни лозим топса кўради, бўлмаса ҳафталаబ навбат кутиб туриши мумкин. Қачонки, тарафлардан бири “қачон кўрасиз” деб талаб қўйгандагина иш кўриш белгиланади. Лекин шунда ҳам тарафларнинг барчасига хабар берилмаганлиги оқибатида суд мажлиси яна бир неча маротаба қолдирилади. Шу ўринда 2019 йил 23 майда мамлакатимиз Иқтисодий процессуал кодексига киритилган ўзгаришларга асосан суд кутилмаган ва фавқулодда ҳолатларда ишни суд мажлисида кўриш мумкин бўлмаган тақдирда иш кўришни кейинга қолдириши, суд мухокамасини асоссиз бошқа кунга қолдириши мумкин эмаслиги, суд мухокамасини кейинга қолдиришлар сони уч мартадан ошмаслиги кераклиги белгиланди. Ўз навбатида мазкур норма фуқаролик ишларини кўришда ҳам амал қилишининг муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олган ҳолда фикримизча, келгусида ФПКга ҳам шундай норма киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Суд мажлисини бошқа кунга қолдиришда судья ёрдамчиси алоҳида журнال

Адолат ва эзгулиқдан айри тушиган ҳар қандай билим додгулиликка айланади. Уни донолик, деб аташ ножоизdir.

СУҚРОТ

Ёвузлик ҳукмрон бўлган саройнинг қонуни шундай: ё сен эгарда ўлтирурсан, ё сенга эгар ўрнатурлар.

Абулқосим ФИРДАВСИЙ

тутиши ва мазкур журналда судьянинг иш юритувидаги барча ишларни қайси кунга тайинланганлиги ҳақида ахборот бўлиши, мазкур ахборот асосида тарафларга қўшимча хабар бериш эмас, балки шу суд мажлисининг ўзидаёқ суд муҳокамасининг келгуси мажлиси қачон ва қай вақтда бўлиши эълон қилиниши керак.

Шунга эътибор бериш керакки, суд муҳокамасини бошқа кунга қолдиришда, суд мажлисини бошқа кунга қолдиришни сўраган тарафнинг ёки мутахассиснинг илтимосномасида кўрсатилган вазифаларни неча кунда бажара олишига қараб, лекин 5 иш кунидан кўп бўлмаган муддатга қолдириши мақсадга мувофиқ бўлади. Айрим ҳолатларда эса, agar суд мажлиси тушгача кўрилаётган бўлса, киритилган илтимоснома бўйича тарафга тайёргарлик кўриш учун бир неча соат лозим бўладиган бўлса, суд мажлисини шу куннинг ўзига қолдириш ҳам мумкин бўлади.

Судья ёрдамчиси суд процессида барча тарафларнинг илтимосномалари асосида суд мажлисларини қолдириш асосларини тўлиқ кўрсатиши ва кейинги суд мажлиси қайси кунга тайинланганлигини ҳам кўрсатиши шарт бўлади.

Тарафлар ва процесснинг бошқа иштирокчиларини ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш судья ёрдамчиси томонидан амалга ошириладиган муҳим ҳаракатлардан биридир. Фуқаролик процессуал кодексининг талабларига асосан ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишни адолатли ва қонуний ҳал этишда қўмаклашувчи шахслар суд чақирув қофозлари ва бошқа замонавий алоқа воситалари орқали процессга жалб этилиши белгиланган. Судья ёрдамчиси жавобгарга суд мажлиси ҳақидаги хабарномани юбориш билан бирга, унга даъво аризасининг нусхасини ҳам юбориши лозим бўлади. Суд чақирув қофозлари ФПК 157-моддаси талабларига асосан тайёрланиши ва мазкур Кодекснинг 158-162-моддалари талабларига асосан топширилиши лозим.

Агар жавобгарнинг амалдаги туриш жойи номаълум бўлган тақдирда, судья ёрдамчиси жавобгарнинг охирги яшаш жойидаги алоқа ташкилоти, фуқароларнинг ўзини ўз бошқариш органи ёки охирги иш жойидаги иш берувчи суд чақирув қофозининг олганлиги, лекин унинг яшаш жойи номаълумлиги сабабли унга топширишнинг имкони бўлмаганлиги ҳақида маълумотнома ёзib берилишини талаб қилиши лозим.

Юқори инстанция судлари муҳокамалирида ва тарафларнинг нуфузли идоралари-



га ёзган шикоятларнинг салмоқли қисмида улар суд мажлиси ҳақида хабарлари бўлмаганлигини, ўзларини суд мажлисига чақирилмаганлиги ёки суд мажлисини бошқа кунга қолдирилганлиги ҳақида хабари бўлмаганлигини маълум қиласидар. Ҳақиқатдан ҳам жуда кўп ҳолатларда, гарчанд фуқаролик иши хужжатларида тарафларга суд чақирув қофози юборганлигини тасдиқловчи маълумотнома тикилган бўлса-да, лекин амалда юборилмаганлиги ёки юборилган бўлса ҳам тарафларга етказиб берилимаганлик ҳолатлари кўп учраб туради. Шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун юқорида қайд этилган нормаларга судья ёрдамчилари тўлиқ риоя қилишлари, ўзларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаришлари талафудиди.

Шундай қилиб, судьянинг келиб тушган ариза юзасидан қонуний ва асосли тўхтамга келиб, ҳал қилув қарори қабул қилишида судья ёрдамчисининг ўз вазифаларини ҳалол ва вижданан бажариши муҳимдир. Шунинг учун ҳам судья ёрдамчилари (кatta ёрдамчилари) ойлик маошлари ва уларга бериладиган имтиёзлар кескин даражада оширилди. Лекин ушбу яратилган шароитларга судья ёрдамчилари (кatta ёрдамчилари) "лаббай" деб жавоб берга олмаяпти.

Қонунларимизга киритилган судья ёрдамчиси лавозими бошқа ривожланган мамлакатларда ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг савияси ва билимига қўйилган талаблар жуда юқори, шу билан улар бажариши керак бўлган вазифалар ҳам қатъий қилиб белгиланган. Хусусан, Россия давлатидаги судья ёрдамчилари албатта 21 ёшдан кичик бўлмаслиги, олий маълумотга эга бўлиши ва судья ёрдамчилигига танловдан ўтиб, қасмёд қабул қилиши белгиланган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, судья томонидан қонуний ва асосли ҳал қилув қарорининг қабул қилиниши судья ёрдамчисининг зиммасига юклатилган вазифаларни ҳалол ва вижданан бажаришига жуда катта боғлиқдир. Шунинг учун, судья ёрдамчилари билан боғлиқ масала асло эътиборимиздан четда қолмаслиги зарур.



Маъмуржон ЭРКАЕВ,
Ўзбекистон халқаро
ислом академияси
1-курс магистранти

ОРИЯ МАСАЛАСИННИГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

*Бурхониддин Марғиноний, Абу Лайс Самарқандий, Алоуддин
Косоний каби кўплаб фақиҳларимиз томонидан ислом ҳуқуқига
оид манбаларида ижтимоий муносабатларга доир ҳуқуқий
асослар, жумладан, “Ория” масаласи чуқур ўрганилган.*

“Ория” арабча сўз бўлиб, лугатда «кетиб, келди» деган маъноларни англатади¹.

“Ория” сўзининг истилохий маъноси ҳақида Бурхониддин Марғиноний “Хидоя” асарида: “Ория” фойда эвазисиз (ижара ҳақисиз) мулк (фойдаланиш ҳуқуқи) қилиб бериш”, деганлар.

Хулоса қилиб айтилганда, “Ория” – бирон нарсани бирор га вақтинча фойдаланиш учун бериш. Мисол учун: «Ушбу ерни сизга бир йилга фойдаланиб туришингиз учун бердим», деса, иккинчи тараф қабул қилиб олса, шу билан “Ория” келишуви юзага келади ва ер майдони ижара ҳақисиз фойдаланиб туриш учун берилган ҳисобланади.

Шариатда ислом ҳуқуқига оид ҳар бир ҳуқуқий муносабатлар шаръий асослар билан қатъий белгиланади. Жумладан, ория ҳуқуқий муносабати ҳам шундай асосларга эга. Ория ижтимоий ҳуқуқий муносабати Куръон, ҳадис ва ижмои уммат (уламолар иттифоқи) билан событ бўлган масаладир.

Аллоҳ таоло Куръони Каримнинг Мөъун сурасида: «ва рўзгор буюмларини (кишилар омонатга сўрашганда) ман этадилар», деган (7-оят)².

Ином Абу Мансур Мотурудий ўзларининг “Таъвилоту аҳли сунна (Тафсиру Мотурудий)” китобида, оятдаги “Моъун” сўзини шарҳлаб қуидагича ёзганлар: Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Аббос⁴лар “Моъун” сўзи ория, яъни, бирор нарсани вақтинча фойдаланиш, маъносини ифода қиласи, деганлар. Абу Убайда розияллоҳу анху ҳар қандай фойдаланаидиган нарса “Моъун”дир, деганлар⁵.

Ория келишуви ихтиёрий амалга ошириладиган хайру саховат амаллардан ҳисобланади. Чунки бирор га вақтинча фойдаланиши ифода қиласи. Шу боис, Куръони Каримда хайру саховат маъносини ифода қиливчи кўплаб оятларни ўрганиш ватади қилиш мумкин.

Ислом манбаларида “Ория” ижтимоий-ҳуқуқий муносабатига оид кўплаб ҳадисларни учратиш мумкин:

Буюк муҳаддис олим Ином Бухорий ўзларининг “Ал-Жомеъ ас-Сахиҳ” ҳадислар тўпламида ория масаласига оид ўндан ортиқ ҳадисни келтирганлар. Жумладан:

2627-ҳадис, Қатодадан (р.а.) ривоят қилинади:

“У киши: “Мен Анаснинг: «Мадинада ваҳима тарқалди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Талҳадан Мандуб деган отни ижарага олиб, миниб кетдилар. Қайтгач: «Ҳеч нарса кўрмадик. Бу (от) денгиз экан-ку», дедилар” деганларини эшитдим”, дедилар.

Мадина шаҳри атрофидан турли қўрқинчли овозлар эшитила бошлади. Одамлар ваҳимага тушди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дарҳол Абу Толҳа исмли саҳобанинг “Мандуб” номли отини оддилар ва товуш эшитилган томонга от



чоптириб кетдилар. Орадан бироз вақт ўтгач қайтиб келдилар ва хавотирга ўрин йўқлигини айтиб инсонларни тинчлантиридилар.

Мазкур ҳадиси шарифдан кўплаб ижтимоий муносабатларга оид ҳукмларни ўрганиш мумкин. Жумладан, ория ҳуқуқий муносабатининг жоиз эканлиги ҳам ўрганилади. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бироннинг уловини олганлар ва фойдаланиб эгасига қайтариб берганлар.

Фақиҳ олимларимиз юқоридаги Қуръони ояти ва ҳадисларни тўлиқ ўрганиб чиқиб, ория келишуви ҳуқуқий асосга эга эканлигига ва ижтимоий муносабатларни қўллаш жоизлигига иттифок қилганлар.

Ория келишувининг ҳукми: ория масаласи ихтиёрий характерга эга бўлган ҳуқуқий манобасат ҳисобланади. Бундай ҳарактерга эга бўлган муносабатлар шариатда “мустаҳаб амал” деб айтилади.

Ислом шариатида ҳар қандай келишувининг рукни ва шартлари бўлади. Ория келишувининг рукнлари қўйидагилардан иборат:

Ориянинг рукни ҳанафий мазҳаби фақиҳлари наздида, ийжоб ва қабулдир.

Ийжоб — икки тарафдан бирининг ория келишуви ҳақида аввал айтган гапидир. У орияга берувчи бўладими ёки оловучи бўладими, фарқи йўқ. Мисол учун, орияга берувчининг «Мана шу нарсани сенга ория бердим», дейиши.— у ория келишуви тузмоқчи эканлигини билдирган бўлади.

Қабул — икки тарафдан бирининг ория келишуви ҳақида кейин айтган гапи ёки унинг ўрнига ўтадиган ишидир. Мисол учун, орияга берувчининг юқорида айтилган гапидан кейин орияга оловчининг «Олдим», дейиши ёки индамасдан обьектни олишидир.

Агар бир киши бироннинг мулкини орияга сўраса, эгаси сукут сақлаб турса, орияга келишув тузилганлигини ифода қилмайди. Чунки Шамсул Аимма Сарахсий (р.х.): “Ория келишуви сукут билан собит бўлмайди”, деганлар⁶.

Орияга ижтимоий ҳуқуқий муносабатига оид масалаларни Ваҳбату-з-Зухайлий ўзларининг “Мавсуъат ул-Фикҳ ул-исломий валқозоёлмуъасаро” асарида қўйидагича баён қилган: орияга олинган нарса орияга оловчининг тажовузисиз (қасддан талофат етказмас) ҳалок бўлса (йўқ қилинса), айб-нуқсон ёки талофат етказилса, тўлашибади.

Орияга оловучи қўйидаги нарсаларга эътибор қаратиши лозим:

— Орияга олинган нарсага омонат сифатида қараши ва уни муҳофаза қилиши;



- Унга айб, нуқсон, талофат етказмаслиги;

- Орияга олинган нарсани ижарага бермаслиги;

- Агар орияга берувчи ориядан фойдаланиш мумкин бўлган шартларини, вактларини белгилаб берган бўлса, унга амал қилиши;

Юқоридаги талабларга амал қилинмаса, обьект йўқ қилинса, нуқсон ёки талофат етказилса, орияга оловучи обьектнинг ўхшишини ёки унинг қийматини тўлаб беради .

Хулоса қилиб айтилганда, ория масаласи гарчи инсонлар ўртасида кенг тарқалган урф-одат, қадриятлардан бири ҳисобланса-да, бугунгача фақатгина йирик ҳажмдаги мулк обьектлардан ва нақд пулдан бошқа нарсаларни орияга бериш бўйича ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқилмаган. Кўпинча, одамлар орасида ўзаро оғзаки келишув асосида тузилган келишувлар турли тортушувларга сабаб бўлади. Шу боис, кўшничилик, қариндош-уругчилик муносабатларини мустаҳкамлашда ория масаласини жамоатчиликка тушунириш ва унинг ҳуқуқий нормаларини илмий таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаранг: Исоимл ибн Ҳаммод Ҳавҳарий. “Ас-Сиҳоҳ тожул-лӯғати ва сиҳоҳл-арабийя”. – Байрут: “Дорул илм лил-Малойин” 1979. З мужаллад/3. – 761 б.
2. “Хидоя” асари
3. Қаранг: Қуръон: 107/., маълумот учун қаранг: Абдулазиз Мансуров. Қуръони Карим маънолар таржимаси ва тафсири – Т.: “Ўзбекистон ислом университети” 2016. – 602 б
4. Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумолар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буюк саҳобаларидан бўлганлар.
5. Қаранг: Имом Мотурудий. “Таъвилоту аҳли сунна” (Тафсиру Мотурудий). – Байрут. “Дорул кутубул илмийя” 2005. – 10 мужаллад/10. – 629 б.
6. Қаранг: Қозихон Узжандий. “Фатовои Қозихон”. – Байрут. “Дорул кутубул илмийя” 2009. З мужаллад/3. – 278 б.
7. Қаранг: Ваҳбатуз Зухайлий. Мавсуъат ул-Фикҳ ул-исламий вал-қозоёлмуъасора” – Дамашк: “Дорул-Фикр” 2012. – 14 мужаллад/10. – 853 б



Абдуллахон
МУХИДДИНОВ,
Чилонзор туман
Маъмурий суди
раиси

ҲОКИМ ҖАРОРИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Мансабдор шахслар гоҳида ўз ваколатларини сунистеъмол қилиб, қонунга беписанд қарайдилар, ундан устун бўлишга интиладилар. Чунки қўлида қудрат борлигига қаттиқ ишона-дилар. Керак бўлса, одамлар менинг қонуним билан яшайди, деб керилади. Ва табиийки, бугунгача улар орасида шундай “натижা”га эришганлари ҳам йўқ эмас эди. Аммо, эндиги ўзга-раётган давр бунга йўл бермайди. Давлат қонунларидан оғиш-ган ҳар бир киши мавқе-мартабасидан қатъи назар, тартибга чақирилади, унга нисбатан чора кўрилади.

Жамият барқарорлигининг асосий омили ҳисобланган адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда мустақил суд ҳокимияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Суд соҳасидаги ислоҳотлар эса ушбу жараённинг таянч нуқтаси ҳисобланади. Шу боис сўнгги йилларда суд-хукуқ ислоҳотлари янги босқичга кўтарилди. Бугун судларда қонунга риоя этиш ва жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш олий мезонга айланәтгандигининг гувоҳимиз.

Тошкент шаҳар Чилонзор туман маъмурий судига, “Ҳайрабод” маҳалла фуқаролар йигини Тошкент шаҳар ҳокимияти мансабдор шахси томонидан чиқарилган қарорни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича шикоят-ариза билан мурожаат қилди. У қандай қарор эди ва нима учун маҳалла фуқаролар йигини вакилларининг эътирозига сабаб бўлди? Қуйидаги далил ва рақамларга эъ-

тибор қаратар экансиз, воқеа ҳакида яққол тасаввур ҳосил қиласиз.

“Ҳайрабод” маҳалла фуқаролар йигини 1950 йилларда ташкил топган бўлиб, 50 йилдан бўён янги маҳалла ҳудудидаги 3-тор Ҳайрабод кўчаси 13-манзилда жойлашган “Оталар чойхонаси” биносидан фойдаланиб келган. Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва мулк кадастри хизмати давлат корхонасининг архив хужжатларига кўра, ушбу ҳудуддаги 995 кв.м. ер майдонида жойлашган бинонинг 555 кв.м. қисми “Ҳайрабод” МФЙ номига кадастр хужжатлари билан расмийлаштирилган.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 18.05.2012 йилдаги 424-сонли қарори билан “Хукуқий хужжатлари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмаган маҳаллалар ҳудудида жойлашган бино-иншоотлардан самарали фойдаланиш чораларини белгилаш ҳақидаги” қарорига асосан 1-иловада келтирилган бино-иншоотлар тасарруф этиш ҳуқуқисиз вақтингчалик фойдаланиш учун “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди туман бўлимларига топширилган. Шу асосда “Оталар чойхонаси” “Ҳайрабод” МФЙга қарашли бўлган. Лекин кейинчалик Тошкент шаҳар ҳокимининг 23.05.2017 йилдаги 630-сонли “Бинолар бузилиши натижасида етказилган зарарларни қоплаш тўғрисидаги” қарори билан Чилонзор тумани, 3-тор Ҳайрабод кўчаси, 13-й манзилда жойлашган “Оталар чойхонаси” биноси “XALOL SUT MAZASI” МЧЖга ажратиб берилганлиги ва унинг номига мулк хукуки 31.05.2017 йилда 3-412/2017 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтганлиги маълум бўлади.



“Ҳайрабод” МФЙ ушбу қарорни асоссиз деб ҳисоблаш учун судга мурожаат этди. Чунки “Оталар чойхонаси” ҳашар йўли билан қурилган бўлиб, МФЙ ундан узок йиллардан бўён фойдаланиб келмоқда. Қолаверса, бинонинг кадастр ҳужжатлари ҳам “Ҳайрабод” МФЙга расмийлаштирилган. Аммо Чилонзор туман ҳокимияти шошма-шошарлик билан бинони бузилишига тушган “XALOL SUT MAZASI” МЧЖга бериб юборган. Бунга нима сабаб бўлган?

Чилонзор туман ҳокимияти ушбу бинони эгасиз қолган мулк деб топиш ва давлат тасарруфига ўтказиш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган. Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 26.07.2017 йилдаги қарори билан ҳокимиятнинг даъво талаблари қаноатлантирилган. Бунгача фурсатдан фойдаланиб қолган “XALOL SUT MAZASI” МЧЖ 01.06.2017 йилда расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига асосан бинони фуқаро Ф.А.Анаркуловга сотиб юборган. Бундан 2018 йилнинг сентябрь ойида хабар топган “Ҳайрабод” МФЙ судга янги очилган ҳолат бўйича қарорни бекор қилиш ҳақида мурожаат этган. Суднинг қарори бекор қилиниб, 03.12.2018 йилда даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқарилган.

Тошкент шаҳар Чилонзор туман Маъмурӣ судида иш кўрилаётганда аризачи “Ҳайрабод” МФЙнинг раиси О.Х.Ғуламов, жавобгар Тошкент шаҳар ҳокимияти ишончли вакиллари Д.Ш.Шомаксудов ва Ш.Аскаров қатнашди. Учинчи шахс сифатида жалб қилинган “XALOL SUT MAZASI” МЧЖ директори Ж.Б.Муродов суд мажлиси тайнинланган сана ва вақти ҳақида тегишли тартибда огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан узрсиз сабабларга кўра келмади. Шу сабабли суд ишни унинг иштирокисиз қўришини лозим топди. Бундан ташқари, Чилонзор тумани Давлат хизматлари марказининг хаттига кўра, “XALOL SUT MAZASI” МЧЖнинг бугунги кунда фаолият юритмаётгандиги аниқланди.

Суд мажлисида учинчи шахс сифатида жалб қилинган Ф.А.Анаркулов бу жойни “XALOL SUT MAZASI” МЧЖдан олди-сотди шартномасига асосан сотиб олганини ва тиккувчилик цехи қурмоқчи бўлганини, жойни ўзи кўриб кетганини, лекин маҳалла раиси ва атрофдагилардан сўрамаганини, чунки у ҳужжатларга ишонганини, бинонинг ҳужжатлари жойида бўлганини, ҳозирда фуқаролик судида ушбу низо қўрилаётганини, қарорнинг ҳақиқий эмас деб топилишига эътирози йўқлигини, лекин у айни ишда



жабрланувчи бўлиб қолганини, сарфлаган пулларини қайтариб олса, бошқа даъвоси йўқлигини маълум қилди.

Суд тарафларнинг баёнотини, туман прокурори ёрдамчисининг фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, куйидаги хуносага келди.

Конун талаблари ва аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, “Ҳайрабод” маҳалла фуқаролар йиғинининг шикоят-аризаси асосли деб ҳисобланди ва у қисман қаноатлантирилди. Тошкент шаҳар ҳокимининг 23.05.2017 йилдаги “Бинолар бузилиши натижасида етказилган заарларни қоплаш тўғрисидаги” 630-сонли Чилонзор тумани, 3-тор Ҳайрабод кўчаси 13-үй манзилда жойлашган “Оталар чойхонаси” биносини “XALOL SUT MAZASI” МЧЖга ажратиб бериш ҳақидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топди.

Гувоҳ бўлдингизки, ҳолатни яхши ўрганмай, қонунга риоя қилинмай чиқарилган биргина қарор ортидан бир неча киши сарсон бўлди, моддий ва маънавий зарар кўрди. Судда ҳамма томон тингланди, масала одилона ҳал этилди. Конун олдида баробарлик тамойилларига амал қилинди.

Бундан чиқариладиган хулоса шу бўладики, энди раҳбарлар учун эскича маъмурӣ буйруқбозлик йўсинасида ва дахлдорлик хиссисиз ишлаш даври ўтди. Улар ҳар бир қадамини белгиланган қонунлардан оғишмаган ҳолда ташлаши, яъни бирор масалада қарор чиқараётган экан, факат ва факт қонунга таянишини замоннинг ўзи талаб этмоқда.



Хусан ТУРСУНОВ,
Қарши туманлараро
иқтисодий суди
судьяси, юридик
фанлар номзоди

ODILLIK
MEZONI

СУДДА КОНСТИТУЦИЯ МОДДАЛАРИНИ ҚҮЛЛАМАЙМИЗМИ?

*Конституция ўз ҳуқуқий табиати ва мақомига кўра ҳар қай-
си давлатда олий юридик кучга эга бош қонун сифатида унинг
ҳуқуқ амалиётида бевосита қўлланилиши муҳим аҳамиятга
эга ҳисобланади.*

*Нега деганда, Конституциянинг устуворлиги, унинг сўзсиз
амал қилиши нафақат ижтимоий ҳаётимизда, қонун ижод-
корлиги жараёнида, балки унинг тўғридан-тўғри ҳуқуқ амали-
ётида қўлланилиши билан ҳам аҳамиятли ва муҳимдир. Шун-
дай экан, нима учун суд қарорини ёзаётган судья Конституция
моддаларини қўлламаслиги керак?!*

Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 15-мод-
дасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олина-
ди. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахс-
лар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Консти-
туция ва қонуларга мувофиқ иш кўрадилар.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 2-модда-
сига асосан эса Ўзбекистон Республикасида
суд Ўзбекистон Республикасининг Конститу-
цияси ва бошқа қонуларида, инсон ҳуқуқла-
ри тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон
қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлик-
ларни, корхоналар, муассасалар ва таш-
килотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан
кўриқланадиган манфаатларини суд йўли би-
лан ҳимоя қилишга даъват этилганлиги белги-
ланган.

Шундай экан, Конституциянинг бевосита
амал қилиши судлар фаолиятида қандай аҳа-

мият касб этади, бу борада хорижий мамлакат-
лар тажрибасининг ўзига хос жиҳатлари нима-
да, Ўзбекистонда судлар жисмоний ва юридик
шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатла-
ри бузилиши билан боғлиқ низоларни кўриб
чикиш ва ҳал этишда Конституцияга таянди-
ми, нима учун суд ҳужжатларини кодекслар ва
бошқа қонунлар билан асослаймиз-да, Консти-
туцияни қўлламаймиз?

Келинг, шу ўринда ана шу масалалар атро-
фига назарий ва амалий жиҳатдан фикр-му-
лоҳазалар юритайлик. Авваломбор, юриспруден-
ция таълим тизимида давлат ва ҳуқуқ назариясидан сўнг фундаментал ҳуқуқ тар-
мокларидан бири сифатида конституциявий
ҳуқуқ муҳим фан сифатида қайд этилади. Бу
борада жаҳон мамлакатларининг конституци-
яшунослик назарияси ва амалиётига эътибор
қилсак, Конституциянинг давлат ичидаги амал
қилиши (қўлланилиши) юзасидан икки хил на-
зарий ёндашув мавжудлигини кўриш мумкин.

Биринчи ёндашув Конституциянинг бевосита
амал қилиши бўлса, иккинчи ёндашув унинг
бевосита қўлланилишидир. Албатта, ҳар ик-
кала ёндашув ҳам Конституциянинг сўзсиз
устунлиги, бошқа ҳеч қандай қонун унга зид
келиши мумкин эмаслигини эътироф этади.
Лекин, бугун кўплаб хорижий давлатлар суд-
ларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида Консти-
туциянинг бевосита амал қилиши устувор
аҳамият касб этиши алоҳида эътиборга молик.

Янаям аниқрок айтганда, Конституциянинг
устуворлиги, унда белгиланган норма ва
тамоийларга амал қилиш зарурлиги, инсон,
унинг шаъни ва қадр-қиммати энг олий қадри-
ят сифатида Асосий қонун билан кафолатлан-



ганлиги давлат номидан қабул қилинадиган суд қарори билан мустаҳкамланади. Яъни, судлар Конституцияни тўғридан-тўғри қўллаш орқали амалиётда Баш қонунни ҳаракатга келтиради.

Энди мамлакатимиз судлари амалиётига келадиган бўлсак, бу борада фақатгина Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий суди Пленуми қарорларида муайян қонунни қўллашда юзага келадиган масалалар бўйича тушунтиришларида Конституцияга ҳавола қилинган нормаларни кўриш мумкин.

Хусусан, “Суд ҳокимиюти тўғрисида”ги Пленум қарорида суд ҳокимиюти — бу судларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари устуворлиги принципига сўзсиз риоя қилиш асосида жиноий, фуқаролик, иқтисодий, маъмурӣ ишларни ва маъмурӣ хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича ваколатидир дейилган.

“Мулк ҳукуқини тан олишга оид ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан қонун хужжатлари қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида”ги Пленум қарорида шундай белгиланган:

Иқтисодий судлар мулк ҳукуқини тан олиш тўғрисидаги ишларни кўришда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси, “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, шунингдек бошқа норматив-хукуқий хужжатларга қатъий амал қилишлари лозим.

Албатта, жиноий, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурӣ ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришда судлар томонидан Конституциянинг устуворлиги таъминланмоқда. Аммо, судлар томонидан бундай тоифадаги ишларни кўриб чиқишида Конституцияни тўғридан-тўғри қўллаш, суд ҳал қилув қарорида Асосий қонун нормаларини бошқа қонун хужжатлари билан биргаликда қўллаш амалиёти етарли даражада эмас.

Масалан, фуқаролик ва иқтисодий судлар фаолиятида мол-мulkни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш (винди-кацион даъво) ёки мулкдорнинг ҳукуқларини эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳукуқбузарликлардан ҳимоя қилиш (негатор даъво)га оид низолар кўриб чиқилади.

Мазкур низоларни кўриб чиқиш натижасида ҳақиқатдан ҳам даъво талаблари асосли деб топилган ҳолларда суд ҳал қилув қарорини Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун хужжатлари билан асослантиради.



Хўш, нима учун биз бундай ҳолатда Конституциянинг 53 ва 54-моддаларини тўғридан-тўғри қўлламаслигимиз керак?!

Ваҳоланки, Асосий қонунимизнинг 53-моддасига кўра хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин, 54-моддасига мувофиқ эса мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қиласи, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Ёки, шаън ва қадр-қимматни ҳимоя қилиш бўйича низоларни кўришда ҳақорат қилинганлиги учун нафақат жавобгарликни назарда тутувчи Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги ёхуд Жиноят кодексини, балки энг аввало, бевосита Конституциянинг 27-моддасини қўллашимиз мумкин. Унга кўра ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашибдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳукуқига эга.

Албатта, бу фикр-мулоҳазалар билан биз суд қарори шундай ёзилиши керак деган фикрдан йироқмиз. Чунки, ҳар бир суд қарори судья томонидан қонунга асосланиб, ўз ички ишончи ва вижданни буюрганидек мустақил чиқарилади.

Лекин, шу билан бирга суд қарори жамиятда адолат ва қонунийликни ўрнатиши билан бирга айни пайтда ахолининг ҳукуқий онги ва маданиятини юксалтиришдек вазифани ҳам бажаради.

Шу маънода, суд қарорини ёзган судья томонидан Конституциянинг ҳам бевосита қўлланилиши фуқароларнинг Конституцияга нисбатан ҳурматини юксалтириш, дунёқарашини мустаҳкамлашга, жамиятда конституциявий-хукуқий саводхонликни оширишга ҳам бирдек хизмат қиласи.



Кахрамон МИРСАФАЕВ,
судья Яшнободского
районного суда
по уголовным делам

ИЗМЕНЕНИЯ И ДОПОЛНЕНИЯ В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ, СВЯЗАННОЕ С НАРКОТИЧЕСКИМИ СРЕДСТВАМИ И ПСИХОТРОПНЫМИ ВЕЩЕСТВАМИ

За прошедший период коренным образом пересмотрена нормативно-правовая база, регулирующая преступную деятельность, приняты эффективные меры по обеспечению мира и спокойствия в стране, внедрению принципиально новых механизмов охраны общественного порядка и формированию у населения чувства личной безопасности.

Вместе с тем, в законодательстве имелись ряд пробелов и недостатков, затрудняющих работу правоохранительных органов в предупреждении и пресечении преступлений, а также борьбе с преступностью.

В этой связи, хочется отметить, что одной из главных факторов, влияющих на криминогенную обстановку в стране, является алкоголизм и наркомания.

Наркотики – не просто вещества, наносящие вред здоровью, они стремительно и необратимо разрушают организм и личность человека. Потребление наркотиков, став частью молодежного досуга, увлечений, захватывает все новые клубы, учебные заведения, дворы.

Решение проблем наркомании сегодня является одной из наиболее актуальных, как для здравоохранения, так и для правоохранительных органов и общества в целом.

Криминологический мониторинг показал, что в целях коренного повышения эффективности борьбы с преступностью необходимо изменить и дополнить нормативно-правовые документы в области незаконного оборота с психотропными веществами, так как из-за пробелов в законодательстве правоохранительные органы не могли эффективно бороться с распространением аналогов наркотических средств.

В частности, возникла необходимость пересмотреть какие вещества относятся к наркотическим средствам, психотропным веществам и прекурсорам, так как ранее таковыми признавались химические соединения, включенные в утвержденные международными документами перечни, а имен-

но в Списки I и II Единой Конвенции ООН «О наркотических средствах» 1961 года[1] – в отношении наркотических средств; Списки I, II, III и IV Конвенции ООН «О психотропных веществах» 1971 года – в отношении психотропных веществ; в таблицы I и II Приложения к Конвенции ООН «О борьбе против незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ» 1988 года – в отношении прекурсоров.

Однако на «черном рынке» с угрожающей частотой стали появляться аналоги наркотических средств, которые в списки не включены, но также оказывают психоактивное воздействие, вызывают сильное привыкание и разрушают здоровье и психику, такие как трамадол, прегабалин («лирика»), зопиклон («соннат»), не было возможности привлекать к ответственности уличных продавцов препаратов, содержащих их. К примеру, «Трамадол», разработанный в середине прошлого века и получивший широкое распространение в медицине (применяется для обезболивания при сложных диагностических или терапевтических процедурах, а также при болевом шоке или серьезных воспалениях) оказывает столь же активное воздействие на психику человека, как и любые другие наркотики, вызывает привыкание и, в конечном итоге, разрушает здоровье и психику человека. Так, по воздействию он сопоставим с морфином. При однократном приеме может вызвать эйфорию, уже с первого употребления возникает зависимость, а при регулярном употреблении формируется зависимость, которая диагностируется как «опийная наркомания». В России препа-



рат с 2007 года был включен в список сильнодействующих веществ, его оборот жестко регулируется со стороны госнаркоконтроля.

Международное сообщество оказалось неспособным быстро реагировать на тенденции в этой сфере и оперативно обновлять соответствующие перечни. Это сделало необходимым ввести уголовную ответственность за незаконный оборот аналогов наркотических средств, то есть аналог еще не включен в какой-либо список и не признан наркотическим веществом.

В связи с этим, в законодательство Узбекистана введена ответственность за незаконное изготовление, приобретение, хранение, сбыт и другие действия с аналогами наркотических средств. Поправки в Уголовный, Уголовно-процессуальный кодекс и Кодекс об административной ответственности внесены Законом Республики Узбекистан №ЗРУ-503 «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан, направленных на обеспечение общественной безопасности», подписанным 22.10.2018 года.

Так, в текстах указанных кодексов в наименованиях и диспозициях статей, содержащих фразу «наркотические средства», появилось дополнение «их аналоги». Таким образом, за преступления, связанные с незаконным оборотом аналогов наркотических средств, предусмотрена такая же ответственность, как и за наркотические средства или психотропные вещества.

Вместе с тем, Уголовный кодекс дополнен термином «Аналоги наркотических средств – вещества синтетического или природного происхождения, по химической структуре и свойствам сходные с наркотическими средствами, психоактивное действие которых они воспроизводят»; а правовое значение терминов «Наркотическое

средство», «Прекурсоры», «Психотропное вещество» изложены в новой редакции: «Наркотические средства – вещества синтетического или природного происхождения, наркотикосодержащие препараты и растения, внесенные в списки наркотических средств и подлежащие контролю в Республике Узбекистан; Прекурсоры – вещества, используемые для изготовления наркотических средств, их аналогов и психотропных веществ, внесенные в список прекурсоров и подлежащие контролю в Республике Узбекистан; Психотропные вещества – вещества синтетического или природного происхождения, внесенные в список психотропных веществ и подлежащие контролю в Республике Узбекистан».

Также, совершение преступления под воздействием аналогов наркотических средств теперь также считается обстоятельством, отягчающим наказание (ст.56 УК), дополнительно законом введена административная и уголовная ответственность за реализацию лекарственных средств вне аптек и их филиалов (ст.165-1 КоАО ст.186-3 УК), усиlena уголовная ответственность за преступления, связанные с воспрепятствованием, незаконным вмешательством в предпринимательскую деятельность, и другие преступления, посягающие на права и законные интересы хозяйствующих субъектов (ст.192-1-8).

Кроме того, введена административная ответственность за незаконный (несанкционированный) доступ к сети телекоммуникаций (к примеру, взлом Wi-Fi) при отсутствии признаков преступления по ст.155-2 КоАО, что влечет наложение штрафа на граждан от 10 до 20, а на должностных лиц – от 20 до 50 минимальных размеров заработной платы с конфискацией орудия правонарушения, а также уголовная ответственность за незаконный (несанкционированный)

доступ к сети телекоммуникаций с целью ее использования и пропуска международного трафика в обход установленных систем защиты, а также хранение и создание условий для функционирования предназначенных для этих целей специальных программных или аппаратных средств (к примеру взлом Wi-Fi и установка GSM-шлюзов), что наказывается штрафом от 100 до 300 МРЗП или ограничением свободы от 1 до 3 лет либо лишением свободы до 3 лет, а те же действия, совершенные по предварительному сговору группой лиц, повторно или опасным рецидивистом, с использованием служебного положения либо организованной группой или в ее интересах влечет наложение штрафа от 300 до 600 МРЗП или ограничением свободы от 3 до 5 лет либо лишением свободы от 3 до 5 лет.

Также, в Списки запрещенных и ограниченных в обороте наркотических средств, психотропных веществ и их прекурсоров (прекурсоры – вещества, используемые для изготовления наркотических средств, их аналогов и психотропных веществ) внесены изменения постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 27 октября 2018 года №878, в результате чего список запрещенных наркотических средств расширен с 238 до 265 позиций, ограниченных в обороте – с 51 до 53, ограниченных в обороте психотропных веществ стало на 4 больше (увеличение с 81 до 85 позиций), а прекурсоров – на 3 (с 26 до 29 позиций).

К примеру, Список наркотических средств, оборот которых ограничен, попол-

нил трамадол. В перечень психотропных веществ, оборот которых ограничен, добавлен зопиклон («соннат»). Обновление документа позволило вносить оборот даже минимальных размеров «спайсов» и курительных смесей под уголовную ответственность.

Изменилась, согласно документу, и структура перечня наркотических средств, оборот которых запрещен. Включенные в него вещества разбиты на группы и подгруппы. В частности, к наркотикам группы синтетических каннабиоидов относятся классические (дибензопираны), неклассические (циклогексилфенолы, циклогентенолы, хиноны), аминоалкилиндолы (нафтолиндолы, фенилацетилиндолы, бензоилиндолы и т.д.), эйказанойды (анандамиды), прочие (нафтоилпироллы, диарипиразолы и т. д.) и гибридные каннабиоиды.

В результате, данная реформа дала возможность жестко бороться с нелегальным распространением таких препаратов, что оказало положительный эффект на снижение криминогенной обстановки в стране и в части других видов преступной деятельности (краж, мошенничеств, убийств и т.д.).

К примеру, сотрудниками ГУВД Ташкента, как сообщала пресс-служба ведомства, только в период с 23 октября по 7 ноября было задержано 46 подозреваемых в незаконном изготовлении, приобретении, хранении и сбыте «трамадола» и «лирики», у которых в общей сложности было изъято 3.023 упаковки медицинского препарата «трамадол» и 215 упаковок «лирики», а за 3 месяца (с 23.10.2018 года по 23.01.2019 года) задержано 158 подозреваемых в сбы-





те «Трамадола» и «Баклосана», у которых в общей сложности было изъято 67.926 таблеток «Трамадола» и 12.967 таблеток «Баклосана».

С начала 2019 года в Ташкенте зафиксировано 25 фактов незаконного оборота наркотических средств и их аналогов. К примеру, при проведении профилактических мероприятий 15 января 2019 года в Чиланзарском районе в квартире 33-летнего мужчины были обнаружены хранившиеся с целью дальнейшей продажи 840 таблеток «Регапена», 140 таблеток «Перге», 678 таблеток «Лирики», 4 таблетки «Галары», 70 конвальют (700 таблеток) «Трамадола», 90 таблеток «Танакана», 240 таблеток «ПК-Мерц», 2 таблетки «Витаксон», 11 таблеток «Саламон ЭКО» и других лекарственных препаратов, в результате чего прокуратурой возбуждено уголовное дело по ст.273 ч.5 УК (Незаконное изготовление, приобретение, хранение и другие действия с наркотическими средствами, их аналогами или психотропными веществами с целью сбыта, а равно их сбыта).

Кроме того, учитывая, что данные преступления совершаются с прямым умыслом, то для привлечения лица к ответственности за незаконный оборот аналогов требуется, чтобы оно, не имея познаний эксперта, изначально понимало, что данное вещество сходно по химической структуре и свойствам с наркотическими средствами и воспроизводит их психоактивное действие, к тому же некоторые лекарства «двойного назначения» оказывают психоактивное воздействие только при употреблении в больших количествах. Данное обстоятельство вызывает проблемы в правоприменении и обязывает сторону обвинения доказывать не только схожесть свойств вещества с нар-

котиками, но и наличие у лица осведомленности о таких особенностях вещества.

В связи с этим, по-видимому необходимо будет изначально определять аналоги наркотиков и соответствующий грамматаж, который может повлечь административную либо уголовную ответственность, после чеговести разъяснительные работы с сотрудниками аптек и гражданами, размещать вывески в пунктах продаж лекарственных препаратов об этом. Однако более действенным механизмом решения данной проблемы могло бы внедрение в законодательство соответствующих изменений, согласно которых, за оборот аналогами наркотиков, не зависимо от их размера, впервые, будет предусмотрена административная ответственность, т.е. преюдицией уголовной ответственности за данные деяния будет установлено обязательное совершение данным лицом ранее аналогичного преступления именно с данным аналогом наркотического вещества.

Кроме того, объективно было бы пересмотреть размеры наркотического средства «Трамадол», поскольку поскольку на практике наркоманам для ощущения эффекта, требуется принимать вышуканного лекарственного препарата как минимум с 3-4 таблеток, тогда как согласно действующему законодательству уже 2 таблетки «Трамадола» считаются крупным размером, что приводит к тому, что никто из субъектов данного преступления не совершает его в размерах, меньше крупного. Учитывая, что данное обстоятельство влияет на квалификацию преступлений, целесообразно было бы сравнять их количество с другими препаратами аналогичного воздействия в зависимости от оказываемого эффекта.



Ҳар қандай соҳадаги самарадорлик шубҳасиз ходимлар салоҳиятига боғлиқ. Кадрлар танланаётганда эса энг аввало уларнинг билим ва тажрибаси, қобилияти эътиборга олинши лозим. Эндиликда судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тайинлашда бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, мутлақо янги тартиб жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши 2019 йил январь ойидан бошлаб илк маротаба судьялик лавозимига тайинланадиган ҳар томонлама муносиб номзодларни саралаш мақсадида уч босқичдан иборат танлов имтиҳони ўтказиши амалиётини йўлга қўйди.

Имтиҳоннинг биринчи босқичи мамлакатимиз суд-хуқук тизимида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти, мустақил суд ҳокимиятининг хуқуқий асослари ва бошқа мавзулар юзасидан 25 та саволдан иборат тест синовидир. Судьялик лавозимига номзод сифатида имтиҳон топшираётган талабгор 50 дақиқа ичida тест саволларини ечиб бериши талаб қилинади. Ушбу тест саволларидан етарлича балл тўплай олмаган номзод иккинчи босқич имтиҳонига киритilmайдi.



Биринчи босқичда судьялик лавозимига талабгорнинг соҳадаги ўзгаришлардан боҳабарлиги, суд ҳокимиятининг давлат ва жамият ҳётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақидаги тушунчаси, суд тизими билан боғлиқ хуқуқий билими синовдан ўтказилади.

Иккинчи босқичда эса казус, яъни суд амалиёти билан боғлиқ муайян бир масалани ечиб бериш талаб этилади. Бу босқичда бўлгуси судьянинг иш процессига ёндашуви, мавжуд ҳолатни баҳолай билиши, мустақил, тўғри қабул қила олиши, энг муҳими, қонунни тўғри қўллаш малакасига эга ёки эга эмаслиги баҳоланади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, биринчи босқичдаги тест синовидан муваффақиятли ўтиб, иккинчи босқичда қониқарли жавоб беролмаган номзод Кенгаш мұхокамасига киритilmайдi. Ҳар иккала босқичда белгиланган баллни қўлга киритган номзодларнинг хужжатлари Судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекцияси томонидан ўрганиб чиқилгандан сўнг Кенгаш мұхокамасига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан эълон қилинган бўш судьялик лавозимларига ўтказилган саралаш 4-танлов имтиҳонида Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона,

вилоятларидан фуқаролик суди ихтисослиги бўйича 15 нафар, иқтисодий суд ихтисослигидан 18 нафар, маъмурӣ суд ихтисослигидан эса 50 нафар, жами 83 нафар номзодлардан танловда иштирок этиш учун ариза келиб тушган. Шулардан 73 нафари синовлардан муваффақиятли ўтди.

Давронбек ОЛИМОВ, судьяликка номзод:

– Иш ўрни учун синов-имтиҳондан ўтиш дегандা биз шу пайтгача муносиблик кўп ҳолларда аҳамият касб этмайди, деб ўйлардик. Аммо муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз чиқишларида: “Энди судьяларни танлаш, тайёрлаш ва лавозимга тавсия этиш мутлақо бошқача тизим бўйича амалга оширилади, бу фаолиятга бирон-бир мансабдор шахснинг аралашувига, таниш-билишчиликка, ург-аймоқчиликка йўл кўйилмайди”, — деб таъкидладилар. Бу сўзларнинг исботини судьялик лавозимига номзодларни танлаб олиш учун жорий қилинган З босқичли танлов имтиҳони исботлади. Синовлар очик-ошкора, ҳар томонлама шаффоғ ўтказиляпти.

Судьялар олий кенгашининг сайтида танлов ўтказилишидан олдин бўш ўринлар рўйхати эълон қилинди. Синовларда қатнашмоқчи бўлганлар ариза билан мурожаат қилди ва ҳеч қандай тўсиққа учрамади.

Имтиҳоннинг ҳар бир босқичи очик-ошкора ўтказиляпти. Тест саволларининг ҳаммаси суд тизими билан боғлик ҳолда тузилган. Саволларни компьютер орқали ишлашимиз эса бизнинг имтиҳон адолатли ўтишига бўлган ишончимизни мустаҳкамлади.

Иккинчи босқичда назарда тутилган казус масала ҳам муҳим аҳамият касб этади. Казус масалани тўғри ечиш учун судья бўлиб ишлайдиган инсонда мантиқий мушоҳада керак. Ҳолатга ёки реал вазиятга тўғри баҳо бериш, асосли қарор чиқариш учун бундай казус масалаларни кўпроқ ечиб бориш лозим, деб ҳисоблайман.

Хулоса қилганда, бугунги кун талаби асосида судьялик лавозимига ҳар томонлама муносиб номзодларни имтиҳон асосида саралаб олиш судьялар



корпусининг сифат жиҳатдан яхшиланишига амалий таъсир кўрсатади.

Бўлажак судья суд тизими билан боғлик қонунлардан хабардор бўлмаса, ўзининг фаолиятида ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини етарли дараҷада билмаса ёки мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларидан ҳам бехабар бўлса, у номзод судьялик лавозимига муносиб бўлмайди.

Минг афсуски, имтиҳон топшираётгандар орасида Кенгаш қўяётган талабларга жавоб бермайдиган номзодлар ҳам бор. Шунинг учун, уларнинг баъзи бирлари имтиҳондан ўта олмади.

Судьялик лавозимларига захирага олинган айрим номзодлар билими ва амалий кўнікмасини ошириш юзасидан ўз устларида лозим дараҷада ишламаяпти. Ҳудудлардаги судьялар малака ҳайъатлари уларнинг билимини ва малакасини оширишга қаратилган семинар ва давра сұхбатларида савол-жавобларни шунчаки ўтказмаслиги керак. Бундай семинарларга жойлардаги кўп йиллик иш тажрибасига эга судьялар, фахрийлар, тажрибали, билимли мутахассислар жалб этилиши лозим. Шундагина тавсия этилаётган номзодларнинг билими ва савиаси юксак бўлади. Ана шу жиҳатларга малака ҳайъатлари доимий равища эътибор қартишлари лозим.

Оид судловга эришишнинг энг муҳим омилларидан бири судьялар корпусини ҳар томонлама муносиб, етарлича билим ва тажрибага эга, мустақил қарор қабул қилиш салоҳияти бор бўлган, шунингдек юксак маънавиятли судьялар билан шакллантириш ҳисобланади. Кўп бора таъкидланган, аммо шу пайтгача амалиётга жорий этилиши суст бўлган бу қоидаларни Судьялар олий кенгashi қатъий тартибида рўёбга чиқара бошлади.



Санжар ДУСМАНОВ,
Судьялар олий кенгashi аъзоси

Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

* * *

*Яшига не етсин, дунё сехрли,
Ўлгунча сехрига тўймайди кўзинг.
Бошингдан гоҳ нурдай қуяр меҳрни,
Гоҳ тошлиар ёғдирар – етмайди тўзим.*

*Гоҳ қорин ғамида чекасан заҳмат,
Обрў талашимоқдан гоҳ дилда тугун.
Аммо чин яшини истасанг, фақат
Ўзбекистон учун яшамоқ мумкин.*

*Ўлим ҳам бор нарса – калхатдай учар,
Чумчукдай жонини этгани қурбон –
Бировнинг титраган товуши ўчар,
Биров ўз ғамида адойи тамом.*

*Майли, ўлимни ҳам айлагин ҳурмат,
Бандаси дунёдан битта жон қарздир.
Чиндан қурбонликка жаҳд қилсанг, фақат,
Ўзбекистон учун жон бермоқ арзир.*

*Мангу яшамоқнинг сирими? Ошкор!
Бекорга ҳар тараф урингайдирсан:
Магарким, жон бердинг юрт деб неча бор,
Ончаким, қайтадан тирилгайдирсан.*